



27  
(1449)-son  
7-avgust  
2020

# Xabar

ERURSHEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### КЎМАК ва МАДАД

Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари моддий қўллаб-қувватланади **2-бет**

### АНТ ва ТАЪЛИМ

АНТ ривожни кадрлар салоҳиятига боғлиқ **3-бет**

### COVID-19

Студенты Университета ИНХА в Ташкенте запустили платформу для помощи нуждающимся **Birdamlik 6-бет**

### ШИФОКОР БИЛАН СУХБАТ

Болада невроз ривожланаётгани нималарда аён бўлади? **8-бет**

### "ШИФО ТОПГАН ДИЛ"

Умид қилиб уч йил нутган фарзандлари уч ёшга тўлганида, шифокорлар даҳшатли хабарни айтишди **10-бет**

### ХАВФСИЗЛИК

"Қора бозор": хакерлар битта аккаунтни қанчадан пуллашмоқда? **12-бет**

### ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ливан мотамда: пойтахт Байрутда йирик портлаш **13-бет**

## COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ АВИАКОМПАНИЯЛАРГА ЕТКАЗГАН ЗАРАР

(АҚШнинг энг йирик тўрт авиаконкомпанияси мисолида)

Даромадлар (2019 йил 2-чораги)

|                   |                |
|-------------------|----------------|
| American Airlines | — \$12,0 млрд. |
| UNITED            | — \$11,4 млрд. |
| DELTA             | — \$12,5 млрд. |
| Southwest         | — \$5,9 млрд.  |

Даромадлар (2020 йил 2-чораги)

|                   |               |
|-------------------|---------------|
| American Airlines | — \$1,6 млрд. |
| UNITED            | — \$1,5 млрд. |
| DELTA             | — \$1,5 млрд. |
| Southwest         | — \$1,0 млрд. |



Манба: Statista

# Дониёржон Маҳкамов: "БИР ЛАҲЗА ҲАМ ТЎХТАШГА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ"



У — талаба. Дарсларга вақтида қатнашади, машина ҳайдашни билади, пианино чалади, футбол ўйинида қатнашади, компьютер тузатади, ўз устахонаси, ўз тадбиркорлиги бор. У тенгдошларидан ҳам кўра кўпроқ ютуқларга эришган. Ёшлар орзу қиладиган ҳамма-ҳамма нарсаси бор — севган машғулоти, содиқ ўртоқлари, меҳрибон ота-онаси, машинаси... Унинг яна бир фахрланадиган нарсаси — метиндек иродаси бор.

» 4

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

### TATU талабалари "Big Idea Challenge" халқаро танловида ғолиб бўлишди

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари Британия Кенгаши ва Лондон Метрополитан университети томонидан Creative Spark глобал дастури доирасида ташкил этилган Big Idea Challenge халқаро танловида ўзларининг илғор гоялари билан иштирок этишди.

Қувонарлиси, ушбу халқаро танловда TATU талабалари рақамли технологиялар йўналиши бўйича "Табиат томон қадам қўйиш" лойиҳаси билан ғолиб бўлишди!



Лойиҳа ғояси — стандарт двигателга эга автомобилларни электрон автомобилга айлантириш. Лойиҳа муаллифлари — Юлдуз Абриева, Абдулборий Алимов, Сухроббек Ҳақимов.

Ғолиблар корпоратив таълим ва ижодий тадбиркорлик соҳасида тажрибага эга бўлган

милий ва халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан танланди. Бундан ташқари, жамоатчилик ҳам ишни баҳолаш ва унинг ғолибини аниқлаш имконига эга бўлди. Хусусан, 50 000 нафардан ортиқ киши ўзлари ёқтирган ғояларга онлайн шаклда овоз берди.

Танлов талабаларга қўшма лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини беради ҳамда инновацион ривожланиш ва тадбиркорликнинг халқаро тажрибаси билан танишишга кўмаклашади.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, танловда ишти-

рок этиш ва бош мукофот олишдан ташқари ёшларнинг ҳар бир босқичида ўқув тренингларида таълим олади-лар. Шундай қилиб улар ўз бизнес ғояларини ривожлантириб, устидан ишлаш имонига эга бўлишади.

Эслатиб ўтамиз, танлов Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Украина ва Ўзбекистонда 2020 йил 2 мартдан 2020 йил 19 июлгача бўлиб ўтди. Танловда умумий юздан ортиқ хорижий олий таълим муассасаларидан 500дан зиёд лойиҳалар тақдим этилган.

## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan  
Jumagacha

✿ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ернийазов хотирасига бағишланган таъзия маросимларида иштирок этди. Маросимда давлатимиз раҳбари марҳумнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.


✿ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди. Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари муқаддас Қурбон ҳайит айёми муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, бироқ халқларимизга тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тиладилар. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорлик, аввало, иқтисодиёт, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Минтақавий аҳамиятга молик энг муҳим масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алмашилди.

✿ 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси раиси Мустафа Шентоп билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

✿ Президент Шавкат Мирзиёев 5 август куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўзаро чегарадош бўлган туманлари ҳудудларини ўзгартириш бўйича тайёрланган лойиҳалар тақдироти ҳамда энергетика, транспорт, коммунал хўжалик ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш юзасидан тақдирот билан танишди.

✿ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ливан Республикаси пойтахти Байрут бандаргоҳида юз берган кучли портлаш оқибатида кўпга инсонлар қурбон бўлгани ва жароҳатлангани муносабати билан мамлакат Президенти Мишел Аунга ҳамдардлик билдирди.

✿ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



# КўМАК ВА МАДАД

## Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари моддий қўллаб-қувватланади

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Коронавирус тарқалиши сабаб иқтисодий фаоллик чеклангани одамларнинг рўзгорига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай шароитда вақтинча ишсиз қолган, даромад манбасини йўқотган ва оғир аҳволда кун кечираётган аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимизнинг 30 июл куни қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони шу борада жуда муҳим қадам бўлди. Хужжатга мувофиқ, бюджетдан қўшимча 2 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар 1 миллион 700 минг нафар ёрдамга муҳтож аҳоли, 3 миллион 700 минг нафар пенсионер ва жорий йил якунига қадар қўшимча 500 минг нафар ижтимоий нафақа олувчиларга йўналтирилиши белгиланган.

Хусусан, ўтган 5 кунда эҳтиёжманд оилаларга жами 148 миллиард сўм моддий ёрдам тарқатилди. Август ойида 1 миллион 700 минг аҳоли ва 50 мингдан зиёд тиббиёт ходимларига 780 милли-

ард сўм тўланиши кўзда тутилган.

Керакли пайтда керакли мадад олиб, халқимиз бу ишлардан рози бўлмақда. Шу билан бирга, моддий ёрдам ва кўмакга муҳтож оилалар рўйхатларини тўғри ва ҳаққоний шакллантириш, ажратилган маблағларни адолатли тарқатиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда аҳолига ижтимоий ёрдам тўловларини етказиб бериш бўйича сектор раҳбарлари ва маҳалла мутасаддиларининг масъулиятига эътибор қаратилди.

Давлат нозирлик органларига маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва тўланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш топширилди.

Шавкат Мирзиёев эҳтиёжманд аҳоли билан ишлашда янги, шаффоф ва адолатли тизим йўлга қўйилишини маълум қилди. Президентнинг бугун имзоланган "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилиши белгиланди.

Мазкур тизим Сирдарё вилоятида тажрибадан ўтиб, ўз самарасини кўрсатгани ва жорий йил якунига қадар уни барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилиши таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз томонидан ижтимоий ёрдамлар кўлами кенгайтириб борилиши жараёнида ушбу янги тизимнинг муҳимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий нафақа олувчилар сони ҳозирги 600 мингдан жорий йил охиригача 1

ЙИГИЛИШДА  
ЁРДАМ ПУЛЛАРИГА  
МУҲТОЖ ОИЛАЛАР  
РЎЙХАТИ МАҲАЛЛА-  
ЛАЛАР КЕСИМИДА  
АДОЛАТЛИ ТУЗИ-  
ЛИБ, ХАЛҚ ДЕПУ-  
ТАТЛАРИ МАҲАЛ-  
ЛИЙ КЕНГАШЛАРИ-  
ДА ТАСДИҚЛАНИ-  
ШИ ЛОЗИМЛИГИ  
ТАЪКИДЛАНДИ.

миллион 200 минг, 2021 йилда эса 1 миллион 500 минггача етказилиши белгиланган. Бу борада Ягона ижтимоий реестр орқали барча ижтимоий ёрдам бир хил мезон ва бир хил ҳужжат асосида берилиши кўзда тутилган.

Энг муҳими, келгуси йил 1 январдан бошлаб, кам таъминланган оила мақомини олиш учун фуқаролардан хозиргидек 12та идорадан 30дан зиёд маълумотлар талаб қилинмайди. Эҳтиёжманд оилаларга 30 турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматлар осон ва қулай тарзда тақдим этилади.

Йиғилишда ёрдам пулларига муҳтож оилалар рўйхати маҳаллалар кесимида адолатли тузилиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида тасдиқланиши лозимлиги таъкидланди.

Маблағларни адолатли тақсимлашда маҳалла ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ёрдамни мақсадли етказиб беришга нурунийлар ва фолларни жалб этиш муҳимлиги айтилди.

Шу билан бирга, 50 минг нафар тез тиббий ёрдам ходими учун ажратилган 200 миллиард сўм муқофот пулларини ҳам ортиқча қоғозбозликсиз, ўз вақтида тарқатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида вазирлар, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди.

# АКТ РИВОЖИ

## КАДРЛАР САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИҚ

Янгиланаётган Ўзбекистон ўз олдига бугун шунчаки ривожланишни эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида энг кучли давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий марра қилиб қўйган. Буни олдиндан кўра билган, ҳис қилган Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилдаги парламентга Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартлиги, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, рақамли иқтисодий шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этиши, бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришишимиз зарурлиги, шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йилда энг устувор вазифаларимиздан бири сифатида белгиланган берилди. Чунки рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллатлардан бири – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Рақамли технологияларни кенг жорий этиш давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожланишига хизмат қилиши қаторида одамлар турмушини кескин яхшилаши мумкинлигини ўтган қисқа фурсат курсатиб берди. Бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан сўнгги икки йил ичида бир қатор йўналишларда комплекс ишлар олиб борилди.

Рақамли иқтисодиёт изчил ривожланишида билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни вояга етказиш, уларни мустақил фикрлайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам ҳисобланади.

Ҳар бир янги соҳада бўлгани каби рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида ҳам малакали кадрлар масаласи устуворлик касб этади. Тан олиш керакки, бу муаммо ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак. Айтиш пайтида вазирлик ва идораларда раҳбарнинг айнан рақамлаштириш йўналишидаги ўринбосарлари лавозимла-



ри жорий қилинмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мана шу лавозимларга тажрибали мутахассисларни тавсия қилиш, керак бўлса, таъминлаш учун жавобгардир. Вазирлик мамлакат миқёсида барча соҳаларда рақамлаштиришга масъул бўлиб, баъзи ҳолатларда ўзи учун профессионал мутахассис зарур бўлиб турган бир пайтда бу бўшлиқни ниманинг ҳисобига тўлдириш зарур? Бунинг учун нима қилиш керак? Бунинг ҳам ечими топилди, унга мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Барчага маълумки, Президентимиз ғояси билан бугун республика бўйлаб ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш мақсадида "Бешта муҳим ташаббус" амалга оширилмоқда. Ана шу ташаббуснинг учинчиси — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш доирасида ҳудудларда 32та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. Бугунги кунга жами 7,2 мингдан ортиқ тингловчи ўқув курсларни яқунлаган.

Келгусида ўқув марказларидан ташқари "Ишга марҳамат" мономарказларида ва IT-Парк филиалларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курслар ҳам ташкил этилади.

Ўз навбатида ёшларни, умумтаълим мактаб ўқувчилари, олий таълим муассасалари

талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига дастурлаш асосларини ўқитишга йўналтирилган "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 69 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Улардан 5,8 минг нафари курсларни муваффақиятли тугатди.

Юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг энг самарали йўли — уларни болалик пайтидан бошлаб ўргатишдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. 2019 йил декабр ойида ушбу ўқув даргоҳининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Айтиш пайтда математика ва хорижий тиллардан муваффақиятли имтиҳон топширган 680 нафар ўғил-қиз мактабнинг 5-11 синфларида таълим олмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг таълим соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб университет замонавий таълимнинг кредит модули тизимига ўтказилди ва ҳозирги кунда бу тизимда 9 609 нафар талаба ўқияпти. Университет тузилмасида Ўзбек — Беларусь қўшма факултети ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари университетда Япония халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (JICA) 1,6 миллион доллар миқдоридagi техник гранти ҳисобига замонавий ўқув медиамаркази очилди. Медиамарказда видеоконтентни тасвирга олиш ва ишлаб чи-

қариш учун барча имконият мавжуд.

Президентимизнинг 2019 йил 7 январдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги Амита университети 2019 йилнинг сентябр ойидан ўқув йилини очди.

Тошкент шаҳридаги Амита университети бакалавр ва магистрлик даражаси учун ахборот технологиялари, муҳандислик ва компьютер технологиялари, иқтисодиёт, туризм бошқаруви, бизнес бошқаруви йўналишлари бўйича қабул амалга оширилди. Мазкур давр мобайнида халқаро алоқаларни ривожлантириш йўлида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ҳам самарали иш олиб борди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, юксак маънавий-ахлоқий сифатлар ва юқори даражадаги касбий малакага эга бўлиш учун шахс ўз олдига муайян мақсадни қўя олиши ҳамда унга эришиш йўлида тинимсиз изланиши, ўқи-ўрганиши лозим. Шундагина у ижтимоий рақобатга чидамли, малакали кадр бўлиб шаклланади.

Ўз-ўзини англаш туйғусига эга бўлиш, яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдалана олиш, касбий билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш шахсга етук мутахассис бўла олиши учун пойдевор яратди. Инсон камолоти, энг аввало, унинг ўзига боғлиқдир. Ахборот технологиялари соҳаси шиддат билан тараққий этиб бораётган йўналиш, бу йўлни танлаган инсон эса доимий равишда ўз устида ишлаши, инновацион технологияларини ўзлаштириб бориши лозим.

**АКТ вазирлиги ахборот хизмати**

**Келгусида ўқув марказларидан ташқари "Ишга марҳамат" мономарказларида ва IT-Парк филиалларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курслар ҳам ташкил этилади.**

## 4 МАТОНАТ

# Дониёржон Маҳкамов: "БИР ЛАҲЗА ҲАМ ТЎХТАШГА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ"

“  
Иўлбошчилар ҳақида жуда кўп китоблар ёзилган, ҳужжатли, бадиий филмлар ишланган. Иўлбошчиликка танланган номзод ўша халқини бало-қазолардан асрайди. Энг қийин пайтлари, энг қийин вазиятларда олдинги сафларда иўлбошчилик қилади. У ўз матонати, довжораклиги билан халқини оғир шароитдан ёруғликка олиб чиқади.”

## Унинг ҳамма нарсаси бор, фақат...

Биз сизга ҳикоя қилаётган Дониёржон Маҳкамов Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети 1-босқич, 650-19-гурӯх талабаси. У Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида оддий ишчилар хонадонида туғилиб ўсган. Болалигида бахтсиз ҳодиса туфайли иккита қўлидан айрилган, ҳозирда 1-гурӯх ногирони.

Шунга ҳам мана 12 йил бўлди. Инсоннинг яшаши учун муҳим бўлган қўллари билан ажраган бу йигит тушкунликка тушмади. Ҳар бир ишга таваккал қилишдан олдин "мен буни албатта қила оламан" деган мақсадни қўйди олдиға.

— Одам ҳеч қачон умид қилишдан, шуқр қилишдан тўхташи керак эмас, — дейди Дониёржон. — Ҳар қандай ишни бошлаётганда "мен буни қила оламан" деб таваккал қиламан, албатта уриниб кўраман. Менинг қўлларим йўқ бўлгани билан ақлим бор, бир инсонда бўлиши керак бўлган иродам бор. Ана шу иродани шундай вазиятларда ишга солмасам, умидим ва ишончимдан фойдаланмасам, кейин кеч бўлади. Айни пайтда телефон ва компьютер тузатадиган устaxonам бор. У ерда ушбу техникаларни тузатишдан ташқари савдо қилиш билан ҳам шуғулланаман. Шунинг ортидан менинг доимо узоғимни яқин қилаётган машина ҳам сотиб олдим. Биз ёшларнинг ўқиш ва ўрганишимиз, интеллектуал салоҳиятимизни оширишимиз учун

барча шарт-шароитлар яратилган. Биздан талаб қилинадигани ўз устимизда ишлаш, вақтдан унумли фойдаланиш. Инсон ўз матонатини ва иродасини шакллантириши учун кўп китоблар ўқиши ва асар қаҳрамонларидан ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, замонавий билимлардан хабардор бўлиши, санъат турлари билан шуғулланиши, хунар ва тил ўрганиши лозим.

— Мен Она юртимиз, жамиятимиз тараққиёти ва айниқса ёшларимиз, тенгдошларимиз келажаги учун шиддат ва шижоат билан меҳнат қилаётган мухтарам Президентимиз матонатидан ибрат оламан ва шукроналик кайфиятида яшайман... — алоҳида таъкидлайди у.

— Бундай ҳолга қўққисдан тушган одам ўзини йўқотиб қўяди, ҳаракатсиз қолади, мен ўғлим ана шундай ҳолга тушишдан кўрққандим, лекин у иродаси билан тез оёққа турди, ўз олдиға аввалгидан ҳам кўпроқ мақсад қўйди, — дейди унинг отаси Холматжон Маҳкамов...

Иўлбошчилар ҳақида жуда кўп китоблар ёзилган, ҳужжатли, бадиий филмлар ишланган. Иўлбошчиликка танланган номзод ўша халқини бало-қазолардан асрайди. Энг қийин пайтлари, энг қийин вазиятларда олдинги сафларда иўлбошчилик қилади. У ўз матонати, довжораклиги билан халқини оғир шароитдан ёруғликка олиб чиқади.

Дониёржонни ҳам ўша иўлбошчиларга ўхшатгим келди. Ён-атрофидаги дўстларига, одамларга ўз иродаси билан, матонати билан ортга чекинмасликда, фақат олдинга қараб юришда ибрат бўладиган иўлбошчиларга. Инсон иродаси, масъулиятлилиги уни қандай марраларга етказишини кўрсатиб турувчи барометрга ўхшайди бу каби инсонлар.

## У ҳақда тенгдошлари

**Беход:** "Унинг матонатидан ҳайратланаман ва қаддимни ростлайман".

**Достон:** "Ўқишда, меҳнатда, спортда мен Дониёржондан мотивация оламан, унинг ҳаракатларини кўриб бир лаҳза ҳам тўхтаб қолишга ҳаққим йўқ, деб ўйлайман".

**Искандар:** "Тенгдошим туфайли шукроналик нима эканлигини англаб етдим".

**Шоҳсанам:** "Ғайрат ва шижоатидан руҳланаман".

Ҳа, бир нафаргина мана шундай қатъиятли, матонатли инсон бошқаларни ортидан эргаштира олади. Унинг атрофидагилар "Нега бу қилган ишни биз қила олмаимиз?" деб ўзига ўзи савол беришади. "Очиги икки қўлимиз бут бўлиб дарсларда қатнашмасак, уйга вазифани тайёрламасак уяламиз" — бугун унинг мактабдош ўртоқларини, талаба сабоқдошлари ҳар лаҳзада мана шундай фикрни хаёлларидан ўтказибётган бўлса не ажаб. Шундай, Дониёржондек иўлбошчилар атрофдагиларни эзгулик қилишга, ўзига ўзи ҳисоб беришга қақиради.

## "У юртимизнинг ютуғи"

У ҳатто том маънода ўқитувчиларини, устозларини ҳайратлантира олди:

— Дониёржон ахборот технологиялари ва фан тўғрақларининг фаол аъзоси, — дейди устози Бахтиёр Толипов. — Унинг табиий фанларга меҳри бошқача. Ахборот технологиялари билан математикани бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Дониёржон ўзининг тиришқоқлиги, матонати, сабрлилиги билан тенгдошларига, керак бўлса бизга ҳам ўрнак бўла олади. У ҳеч қачон изланишдан, ўрганишдан тўхтамайди. Ҳали спорт тўғрагида, ҳали мусиқа, ҳали компьютер хонасида қаттиқ шуғулланаётганини кўришингиз мумкин. Айниқса, бугунги ахборот технологиялари ривожланиб кетаётган бир пайтда шу соҳага қизиқиши ва танлови унинг ютуғидир... Президентимиз томонидан 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилди. Демак, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган биз устоз мураббийлар ва ёшлар ташаббускорлики ўз қўлимизга олишимиз лозим. Айнан ана шундай ташаббускорлик ва фидоийликни Дониёржондек метин иродали ёшлар бошлаб бераётгани юртимизнинг яна бир ютуғи.


Бугун кимнингдир фарзанди жиноят қилса йўқчиликни сабаб қилиб кўрсатамиз. Ёки иш йўқлигини сабаб қилиб турли оқимларга қўшилиб кетганларнинг оёқ қўли бут, тоғни урса талқон қилгудек шахти бор. Аслида буларнинг барчаси баҳона. Ҳар бир инсон агар интилса, ўз устида ишласа ҳаётини мўъжизаларга бой қила олади.

## "Матонатли одам йиқилмайди"

Мана Дониёр оёқ бармоқлари билан пианинода кувноқ бир куйни чалмоқда, футбол коптоғини оёқлари билан кўз илғай олмайдиган ҳаракатда ошириб ўйнамоқда, у югуриш асносида кўққисдан йиқилиб тушди. Аммо ҳеч кимнинг кўмагисиз, қўлларига таянмасдан ўша заҳоти сакраб туролди. Чунки у ҳеч қачон ҳеч кимдан кўмак кутмайди, ўзига ачинаиб қарашларини, суяб турғизишларини хоҳламайди. Унинг ўзи айтганидек:

"Матонатли одамда тушкунлик кайфияти бўлмайди, у ҳамиша неқбинлик билан яшайди. Бундай одам дунёга, ҳаётга, замонга гўзал кўз билан қарайди, завқ-шавқ билан, шиддат ва шижоат билан яшайди. Барчанинг фақат ижобий, яхши тарафларини кўради, йиқилганда, муваффақиятсизликка учраганда ўрнидан туриб, яна олдинга, мақсадлар сари олға юришга ўзида катта куч топа олади, бошқаларга ибрат бўлади, доим шукроналик кайфиятида яшайди..."

Барно СУЛТОНОВА,  
"Xabar" мухбири




4G<sup>+</sup>



Tezkor va arzon 4G  
Sizing shahringizda

Tarmoqni modernizatsiyalash  
bo'yicha ishlar yakuni



Ушбу лойиҳанинг мақсади — UZTELECOM операционинг мобил алоқа абонентларига, айниқса, мамла-

## UZTELECOM МОБИЛ АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЛОЙИХАСИ ЯКУНЛАНГАНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

2020 йил бошида "Ўзбектелеком" АЖ республиканинг барча ҳудудларида 3G/4G технологиялари бўйича мобил алоқа тармоғини кенгайтириш ва модернизация қилиш юзасидан кенг кўламли лойиҳани амалга оширишни бошлади.

катимизнинг энг чекка ва узоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли учун мобил интернет хизматларидан фойдаланиш тезлиги ва фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада ошириш мақсадида, барча мавжуд база станцияларни уларнинг жойлашувидан қатъи назар, 3G ва 4G LTE стандартларигача модернизациялашдан иборатдир.

Бугунги кунда UZTELECOM кенг кўламли лойиҳанинг яқунланганлигини ҳамда лойиҳа натижасига кўра мамлакатнинг барча ҳудудларида 3 мингдан зиёд база станциялар компания жамоаси томонидан янгиланганини ва модернизация қилинганлигини маълум қилди. Модернизация ишлари ҳамма

жойда қамровни сезиларли даражада оширишга ва 4G LTE технологиясидан фойдаланиш имконини тақдим этди.

Таъкидлаш жоизки, карантин даврида тармоқни янгилаш, кенгайтириш ва модернизация қилиш ишлари барча зарур хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилди.

Компания тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш, уларни барча учун ҳамёнбоп қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича энг янги стандартлар ва технологияларни жорий этиш ишларини давом эттирмоқда.

### ТАНЛОВ

## ТАДБИРКОРЛИК БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА!

IT-Парк, The Global Educational & Leadership Foundation (tGELF, Hindiston) ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги Entrepreneurship World Cup 2020 (EWC) танловининг миллий босқичига қабул эълон қилмоқда.

Entrepreneurship World Cup 2020 (Тадбиркорлик бўйича жаҳон чемпионати) аризалар қабули учун очилди. 2019 йилда ушбу танловда дунёнинг 187 мамлакатидан 102 мингдан зиёд тадбиркорлар иштирок этдилар.

Жорий йилда EWC янада йирик кўриниш олади. Танлов формати ҳар қандай ривожланиш босқичидаги стартапларни ғоявий палладан бошлаб фаол ўсиш палласига қадар қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Танлов иштирокчиларига ўз лойиҳаларини халқаро даражада намойиш қилиш имконияти берилди. Энг яхши иштирокчиларни 1 миллион АҚШ доллари пул эквиваленти миқдоридagi соврин жамғармаси, шунинг-

дек ҳамкорлардан 70 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги бонус ва махсус таклифлар кутиб турибди.

EWC танлови – бовринлар учун курашиш ва етакчи экспертлардан билим олиш, ишчи алоқалари доирасини кенгайтириш, инвестиция жалб қилиш ва халқаро бозорга кириш учун ажойиб имконият.

COVID-19 глобал пандемияси атрофида юз бераётган вазият туфайли танлов сиртки кўринишда махсус ишлаб чиқилган EWC платформасида ўтказилади. Бу фақат рўйхатдан ўтиш ва маросим ўтказиш учун портал эмас. Платформа виртуал тренинглари, таълим материаллари ва эксперт тавсияларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳар бир рўйхатдан ўтган иштирокчи профессионал ҳамкор сервисларнинг (Google Cloud, Amazon Web Services, Hubspot, Stripe ва бошқалар) жами 25 минг долларини ташкил қилувчи онлайн обуналарига эга бўлади.

Танлов босқичлари:

- Стартап лойиҳалар 9 августга қадар



Entrepreneurship World Cup 2020 платформасида рўйхатдан ўтадилар:

- Танловнинг миллий босқичи 2020 йилнинг сентябр ойида онлайн кўринишда бўлиб ўтади.

Республика босқичи ғолиблари ўз лойиҳалари тақдирларини 2020 йилнинг 18–20 октябр кунлари халқаро финалда намойиш қилиш имкониятига эга бўладилар.

### "Бир миллион ўзбек дастурчилари" ғолиблари

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ 1,5 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГАЧА ПУЛ МУКОФОТИНИ ҚўЛГА КИРИТИШДИ

Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, IT-Park ҳамда Dubai Future Foundation билан ҳамкорликда ўтказилган "Бир миллион ўзбек дастурчилари" (One million uezbek coders) танлови ғолиблари эълон қилинди.

Танлов натижаларига кўра, 6 нафар ғолибларнинг 4 нафари умумтаълим мактаби ўқувчиларини ташкил этди:

1. Абдумалик Қамбаров – Навоий в. Кармана т. 8-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси – 1500 \$.
  2. Асадбек Рўзиев – Тошкент ш. М.Улуғбек т. 225-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси – 500 \$.
  3. Мабрурбек Ҳайитбоев – Андижон в. Бўстон т. 26-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси – 500 \$.
  4. Жаҳонир Маннопов – Жиззах в. Дустилик т. 2-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф битирувчиси – 500 \$.
- Иштирокчилар IT ва янги технологи-



ялар бўйича ташаббускорлиги, бошқа иштирокчиларни руҳлантириш, уларга платформадан фойдаланишда ва ўқув материалларини ўзлаштиришда лойиҳанинг телеграм гуруҳларида ҳамда ижтимоий тармоқларида ёрдамга кўра баҳоланди.

Шунингдек, баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг онлайн каналлардаги фаолияти, яъни хабарларнинг сифати бўйича ҳамда ўзбек тилида ёзилган мақолаларининг ўзига хослиги, лойиҳа мақсадига мувофиқлиги, фойдалилиги, долзарблиги, имлоси ва тузилишига эътибор қаратилди.

### ҚАБУЛ

## БУ ЙИЛ 1-СИНФГА ҚАБУЛ ҚАНДАЙ БЎЛЯПТИ?

Шу кунларда болаларни мактабларнинг 1-синфига қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

Қонунчиликка кўра, 1-синфга 6-7 ёшли болалар тиббий ҳулосага мувофиқ тайёргарлик даражасидан қатъи назар, танловсиз қабул қилинади (муסיқа ва санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари бундан мустасно).

Қабул ишлари июн — август ойларида ташкил этилади.

Боланинг ота-онаси қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- ариза;
- ота-онанинг паспорти нусхаси;
- боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- боланинг соғлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;
- боланинг 3,5 x 4,5 ҳажмдаги 4 донга рангли фотосурати.

Жорий йилда мактабларнинг 1-синфига ўқувчилар қабули 31 июлга қадар мактаб бириктирилган микроҳудуд доирасида амалга оширилди.

Микроҳудуд доирасидан ташқарида эса жорий йилнинг 25 августига қадар қабул амалга оширилади.

Пандемия шароитида 1-синфга қабул жараёнида инсонларнинг бир жойда тўпланиб қолиши ва ортиқча сарсонгарчиликларни бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида навбатга ёзилиш жараёнини онлайн тарзда [www.qabul.maktab.uz](http://www.qabul.maktab.uz) веб-портали орқали амалга ошириш имконияти яратилган.



# "ЦИФРОВОЙ ТАШКЕНТ" БУДЕТ СОЗДАН В ИНТЕРЕСАХ ГРАЖДАН

Сегодня в мире сформировалась новая современная тенденция: теперь цифровые технологии значительно сокращают расстояние и значительно облегчают жизнь жителям мегаполисов.

Согласно исследованиям Института McKinsey, в 2020 году будет создано порядка 600 "цифровых городов". Согласно подсчетам, к 2025 году рыночная стоимость "цифровых городов" превысит \$2 трлн.

К примеру, в Сингапуре запущена программа под названием "Smart nation". Соответственно цифровые технологии проникли во все сферы и стали неотъемлемой частью жизни сингапурцев. В частности, компьютеризированная система управления транспортными потоками в Сингапуре позволяет водителям каждый год экономить порядка 60 часов. Исходя из международного опыта можно отметить, что "цифровой город" стал важным критерием в деле модернизации мегаполисов, улучшения качества жизни горожан, а также в оценке экономической эффективности и стабильного процветания.

Теперь начиная с текущего года в столице нашей республики — в городе Ташкенте реализуется концепция совершенного нового формата под названием "Цифровой Ташкент". Как в наглядном виде будет выглядеть "Цифровой Ташкент"? Какие новшества привнесут

проекты в рамках "Цифрового Ташкента"? Можно с уверенностью говорить, что данная Программа станет важным шагом в деле повышения качества оказываемых услуг.

К примеру, в текущем году в ходе реализации программы "Цифровой Ташкент" будет внедряться система онлайн-продаж на билеты на транспорт, электронные журналы и дневники в школах, онлайн-платежи за коммунальные услуги и "Единая электронная медицинская карта" пациента.

Основным заказчиком проекта комплексной программы "Цифровой Ташкент" выступает хокимият города Ташкента. Основная цель комплексной программы "Цифровой Ташкент" — при возникновении каких-либо непредвиденных случаев изучить его причины и найти решение. В ходе реализации программы "Цифровой Ташкент" будет создан Информационно-аналитический центр хокимията города Ташкента. Таким образом будет создана возможность по предварительному изучению ситуации и принятия оперативных мер на основе собранных в оперативном порядке сведений со стороны мини-



стерств и ведомств. Простыми словами, оказываемые гражданам со стороны государственных органов услуги будут цифровизированы и будут внедрены в единую систему для их оказания гражданам в удобном формате.

Сбор, обработка и анализ данных со стороны государственных органов и организаций будет осуществляться на основании утвержденной схемы через геоинформационную систему "Цифровой Ташкент". Наряду с этим в системе будет также проводиться мониторинг осуществляемых мероприятий.

Преимуществом геоинформационной системы "Цифровой Ташкент" является то, что система, в первую очередь, создает удобства для граждан. К примеру, у граждан есть возможность получить информацию о своих задолженностях, о сроках выполнения запросов, а так-

же решить проблемные вопросы в транспортной и других системах.

В ходе реализации комплексной программы "Цифровой Ташкент" будет создана информационная система "Мой дом" ("Mening uyim"), которая даст возможность осуществлять оплату через приложение. Сегодня в каждой системе функционирует своя биллинговая система, к которой нужно обращаться отдельно. Информационная система "Мой дом" ("Mening uyim") позволит сэкономить время и создаст еще больше удобств.

В ходе реализации проекта "Цифровой Ташкент" ставится еще одна большая цель: к концу года создать Центр обработки данных (ЦОД) и централизацией и интеграцией информационных систем всех министерств и ведомств в одном месте и тем самым продолжить последовательную работу по цифровизации по всей республике.

Самое главное, программа "Цифровой Ташкент" будет создана не для министерств и ведомств, а в интересах народа. Как отмечают специалисты, его внедрение создаст ряд удобств и преимуществ, а также обеспечит прозрачность деятельности организаций и ведомств. Самое главное, доказавшая свою высокую эффективность концепция "цифрового города" придаст важный импульс социально-экономическому развитию Ташкента.

## COVID-19

### ОНЛАЙН КОНСУЛЬТАЦИЯ С ВРАЧОМ ВИРУСОЛОГОМ ДЛЯ СОТРУДНИКОВ IT-PARK!

5 августа 2020 года, сотрудники IT-Park провели профилактическую онлайн консультацию, куда был приглашен врач-вирусолог, научный сотрудник, докторант НИИ вирусологии, Бригида Кристина Степановна.

Бригада Кристина Степановна – врач вирусолог, докторант в Научном Исследовательском институте вирусологии. В 2018 году написала грант на тему "Диагностика рака печени при вирусных гепатитах" и выиграла финансирование на его проведение. Является докторантом базовой докторантуры НИИ Вирусологии. Участник организационного Комитета НИИ Вирусологии, принимает активное участие в проведении круглых столов и научных конференций. Также является участником проекта "РЕЗЕДА" РосПотребНадзора (Россия) по выявлению резистентности ВИЧ в противовирусным препаратам. Координатор проекта УНЕР (США) по элими-



нации вирусных гепатитов в Узбекистане. Проводила различные лекции, производила сбор клинического и лабораторного материала, участвовала в написании научных статей, тезисов и отчетов. Была участником многих научных конференций, в том числе зарубежных.

На онлайн консультации Кристина Степановна рассказала о вирусе COVID-19, чем опасен вирус, признаках заболевания, профилактических мерах, а также способах лечения от данного вируса.

В конце была проведена небольшая Q&A сессия, в которой сотрудники IT-Park смогли задать все интересующие их вопросы, на которые Кристина Степановна очень раскрито и доходчиво ответила.

### СТУДЕНТЫ УНИВЕРСИТЕТА ИНХА В ТАШКЕНТЕ ЗАПУСТИЛИ ПЛАТФОРМУ ДЛЯ ПОМОЩИ НУЖДАЮЩИМСЯ BIRDAMLIK

Проект "Birdamlik", разработанный студентами Университета ИНХА в Ташкенте стал одним из пяти победителей конкурса Covid-19 Challenge 2020.

Команда студентов 4-го курса факультета "Компьютерный и программный инжиниринг" – Бехзоджон Махкамов, Азизбек Кобиллов, Шохсанам Ширинкулова, Феруза Латипова, Мафтуна Зиямова, Акбаршох Мухаммаджанов – разработала платформу для связи волонтеров с нуждающимися в помощи гражданами. Проект объединил в себе веб-сайт birdamlik.uz.

Проект позволяет:  
– вступить в волонтерскую организацию;

– создать свою группу волонтеров;  
– координировать свою волонтерскую группу;  
– узнавать о событиях, где необходима волонтерская помощь.

дци с распространением COVID-19 и режимом обязательной самоизоляции помощь волонтеров нужна как никогда.

Проект работает очень просто:

– с помощью платформы в данное время можно координировать волонтеров,

– отправляя им заявки и приглашения. Также, волонтеры могут создать свою волонтерскую группу и набирать туда людей.

Заявители могут отправлять заявки двумя способами, первый способ — это быстрая заявка (без регистрации) предназначенная для нуждающихся, а второй — при помощи регистрации, рассчитанная на организации, которые будут работать с волонтерами.

САМОЕ  
ВРЕМЯ  
ПОМОГАТЬ  
ЛЮДЯМ

Birdamlik



Проходите по ссылке и присоединяйтесь: <https://birdamlik.uz>

В сложившейся ситуа-

# ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛАҚОНЛИ ЭКОТИЗИМ ЯРАТИЛМОҚДА



рувчисига айланди ва муайян IT-мутахассисликлар асосини ўрганган ҳолда ўз ўқув жараёнларини муваффақиятли яқунладилар.

Янги ўқув йилидан бошлаб "One Million Uzbek Coders" ўқув дастури республикадаги мактаб ва университетларда ўргатила бошланади. 250 мингдан кам бўлмаган мактаб ўқувчилари ва талабалар 2020-2021-ўқув йилида ушбу платформада таълим оладилар.

Таълим ҳақида гапирар эканмиз, айтиш лозимки, Ўзбекистон бўйлаб 32та IT-марказ очилди ва уларда 7200 ўқувчи таълим олди. Шунингдек, IT-марказларда 80дан ортиқ иш ўрни ва 116та онлайн видеодарс яратилди. 2021 йилга келиб юртимизнинг ҳар бир туман марказида IT-марказлар очилади ва унда ахборот технологияларининг энг керакли ва долзарб йўналишлари ўқитилади.

Қолаверса, бугунги кунда IT-Парк қошидаги IT-марказ ва IT-академияларда ҳар бир хоҳловчи юртимиз учун ҳаттоки бегона бўлган киберспорт ва мобил робототехникани ўз ичига олган 10дан ортиқ йўналишларда таълим олишлари мумкин.

2020 йилнинг 24 июл куни Ўзбекистондаги илк IT-Парк очилганига бир йил тўлиши муносабати билан "IT Park Rewind" онлайн марафони ўтказилди.

Онлайн марафонда ўтган давр мобайнида амалга оширилган муҳим лойиҳалар муҳокама қилинди. Таъқидланганидек, асосий мақсад – сифатли кадрлар тайёрлаш, бу йўлда интилувчан ёшлар учун барча инфраструктура ва таълим имкониятларини яратиш, шу орқали Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг 3-йўналиши доирасида, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишни кўзда тутувчи, ҳар бир ҳудудда IT-Парк филиалларини, ҳар бир туман марказида эса IT-марказларни ташкил этишди.

Шу кунларда эса IT-Парк томонидан амалга оширилаётган яна бир муҳим лойиҳага старт берилди. Яъни, мобил робототехника бўйича миллий терма жамоа шакллантирилиши жараёнлари бошланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошчилигида мактаб ўқувчилари учун муҳандислик лойиҳалаштириш ва робототехника бўйича "Future Skills Uzbekistan" IT-олимпиадаси ҳам ташкил қилинди. Мазкур мусобақа голиблари келгусидаги муваффақиятларига мотивация бўлувчи катта пул ютуқлари эгасига айланishi мумкин.

Яқин орада IT-марказлар 2021 йилда Шанхайда бўлиб ўтадиган халқаро танловга робототехника бўйича миллий терма жамоани тайёрлашни режалаштирмоқда.

Айнан мана шу мақсадни кўзлаб барпо этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк)нинг резидентлари ҳисобланган 392 ташкилотда бугун тўрт минг нафар мутахассис фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу ташкилотларнинг 14таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган бўлса, 54таси янги очилган.

Мазкур IT-Паркда зарур инфратузилма, жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг-марказ ҳамда офис майдонлари тақдим этилган. Технопаркда резидентларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, резидентлар учун молиявий имтиёзлар ҳам берилган: улар 2028 йилнинг 1 январига қадар барча солиқ ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан, шунингдек, бир марталик ижтимоий тўловлардан озод қилинган.

Йил бошидан бери IT-Парк резидентлари томонидан жами 560дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 321 млрд. сўмни, шу билан бирга экспорт ҳажми 5,1 млн. долларни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида IT-Парк резидентлари сонини кўпайтириш ҳамда етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида умумий майдони 408 минг кв. м.га тенг ҳудудда хориждан жалб қилинган эксперт билан ҳамкорликда IT-Парк инфратузилмаси объектларини куриш концепцияси ишлаб чиқилди.

IT-Паркнинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан қўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазифалар тармоқ жадваллари тасдиқланди.

IT-Паркнинг ҳудудий филиаллари бинолари Андижон ("Digital city" технопарки), Фарғона (IT-Парк Марғилон филиали), Сирдарё (IT-Парк Гулистон филиали) вилоятларида фойдаланишга топширилиб, Андижон филиалида 10та ва Марғилон филиалида 7та резидент фаолият юритмоқда. Шунингдек, Наманган (5800 кв.м), Нукус (12000 кв.м), Самарқанд (12000 кв.м), Урганч (9200 кв.м) ҳамда Жиззах (850 кв.м) шаҳарларида IT-Парк филиали биноларини куриш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган IT-мактаб ҳудудида IT-Парк филиали ҳам ташкил қилинади. Лойиҳа бўйича 16 қаватли бино курилиб, унинг умумий қиймати 70 млрд. сўмга тенг бўлади.

АКТ бозорини ривожлантириш ва IT-экотизимини шакллантириш мақсадида бозор профессионал иштирокчилари ўртасида кенг мулоқот олиб бориш, стартапларни амалга ошириш, турли кўрик-танлов ва кўргазмаларни ўтказиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси ва IT-Парк билан биргаликда коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг оқибатларини енгилаштиришга ҳизмат қилувчи инновацион ҳояларни излаб топish бўйича ёшлар ўртасида "COVID-19 Challenge 2020" танлови ўтказилди.

Танловда соғлиқни сақлаш, ёрдамга муҳтож аҳолига кўмаклашиш, таълим, кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш каби 8та йўналиш бўйича 600дан ортиқ ариза келиб тушган бўлиб, шулардан 5та энг яхши лойиҳа голиб деб топилди ва голибларга 42,5 минг доллар ажратилди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, тад-

биркорлик ҳамда туризм йўналишида тахсил олаётган талабалар ўртасида энг яхши мобил иловаларни ишлаб чиқиш бўйича "mGovAward" биринчи республика танлови ўтказилмоқда. Танлов учун Бирлашган Араб Амирликлари томонидан 100 минг доллар ажратилган ва 3та муносиб жамоа мазкур маблағ ҳисобидан рағбатлантирилади.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки томонидан IT-стартлапларга кўмак бериш, стартапчиларнинг малакасини ошириш мақсадида қатор инкубация ва акселерация дастурларини амалга оширмоқда. Ҳозирда IT-Парк томонидан амалга оширилаётган инкубация ва акселерация дастурлари бўйича 30та стартап жамоа ўқув жараёнини муваффақиятли яқунлади.


Хусусан, USAID агентлиги билан биргаликда IT-Парк томонидан инкубация ва акселерация дастурлари ҳамда аёллар тadbиркорлигини ривожлантириш учун қиймати 140 минг долларлик тadbиркорлик ва бизнес-муҳитни ривожлантириш лойиҳаси амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, ўтган бир йил давомида IT-Парк умумий соврин жамғармаси 2,5 млрд. сўмни ташкил қилувчи, киберспорт бўйича иккита онлайн турнирини ўз ичига олган, жами 40 дан зиёд лойиҳа ва маросимларни амалга оширди.

Шунингдек, асосий ижрочиси IT-Парк бўлган бепул онлайн платформаси – "One Million Uzbek Coders" лойиҳасини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Ушбу лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, унда барча хоҳловчилар дастурлаш асосларини ўзбек тилида бепул ўрганиши мумкин.

Бугунги кунга келиб платформа республика бўйича 60 мингдан зиёд тингловчи таълим олмақда. 5 мингдан ортиқ тингловчи аллақачон лойиҳа бити-

**“Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг бир муҳим омиллари бир соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир.”**



# БОЛАДА НЕВРОЗ РИВОЖЛАНАЁТГАНИ НИМАЛАРДА АЁН БЎЛАДИ?

3-4 ёшли Нигина тинимсиз тирноқларини кемиради, дугонанинг 10 ёшли қизи эса киприк ва сочларини юлиб қўймайди. Бир қўшнимнинг ўғли 7 йилдан бери ўрнини ҳўллаб қўяди. Эрта тили чиққан ва равон гапириб ҳамма-ни ўзига қаратган Шерзоджон эса кутилмаганда дудуқланиб гапирадиган бўлиб қолди. Мана, болада невроз ривожланаётгани нималарда аён бўлади?.. Бугун мазкур мавзуда болалар невропатолог Севра Раупова билан суҳбатлашамиз.



**– Айтинг-чи, неврознинг ёшга боғлиқ кўриниши қандай ривожланади?**

– Болалик давридаги невроз ёшга нисбатан ҳар хил кўринишда кечиши мумкин. Масалан, кичик ёшдагиларда, яъни 3-4 ёшдаги болаларда мононевроз ҳолати кўп учрайди. Бунга уйку бузилиши, иштаха йўқолиши, логоневроз – дудуқланиш, кўрқиб қолиш ёки қанақадир ихтиёрсиз ҳаракатлар киради: тирноқ кемириш, кўзни пирпиратиш, оёғини қимирлатиб ўтириш ва бошқалар. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ота-она фарзандини “ёмон хулқ” учун тергайди, ҳатто, уриб-туртиб назорат қилишга уринади, лекин ҳеч бири ёрдам бермайди. Ана шунда яхшилаб ўйлаб кўриш керак, балки, бу невроздор?!

*“Ёмон хулқ”га қуйидаги белгилар хос: бола тез-тез сабабсиз инжиқланади; ён-атрофида қандайдир ўзгариш бўлса, бундан таъсирланади; ўтқир овозлар асабига тегади, янги ноқулай кийим ва ўзгарган об-ҳаво ҳам ёқмайди; одамлар кўп тўпланган жойларда қолгиси келмай йўғлайверади; болани ҳар хил кўркувлар таъбиқ қилаётгандек туюлаверади; битта жойда жим ўтиролмайди; тез чалғийди, ўйинлардан дарров зерикади; ихтиёрсиз ҳаракатлар қилади: тирноғини кемиради, юзини тирнайди, сочини, киприкларини юлади, томоғини қирб-қирб қўяди, кўзларини пирпиратади ва ҳоказо.*

Каттароқ болаларда, тиббиёт тили билан айтганда, тизимли невроз кўп кузатилади. У организмнинг умумий таъсирланиши, яъни бош мия асаб тизимининг умумий реакцияси билан намо-

ён бўлади. Буни балоғат ёшига етган болаларнинг умуман гапга қулоқ солмаслиги, асабийлашиб, бир пастда йиғлаши, жаҳли чиқиб бақириб кетиши мисолида кўришимиз мумкин. Одатда бунақа болаларни тез-тез бош оғриғи безовта қилиб туради.

**– Қайсидир ҳолатларда невроз-ни организм ҳимояси деб ҳам би-лишимиз мумкинми?**

– Ҳар қандай невроз замирида бирор сабаб ётади. Буни организмнинг ҳимояси ёки стрессга реакцияси деб ҳам тушуниш мумкин. Кўпинча ота-оналар “Болам асабий бўлиб қолди, тинч-ланттирувчи дори ёзиб беринг, дўхтир”, дея мурожаат қилишади. Шундай вази-ятларда мен уларга: “Хўп, тинчлант-тирувчи дори ёзиб бердим, уни болан-гиз 1-2 ой қабул ҳам қилди. Лекин сиз неврозга олиб келувчи сабабни топиб, уни оила муҳитидан йўқотмас экансиз, болангиз тўлиқ тузалмайди”, деб тушун-тиришга ҳаракат қиламан. Кейин савол-жавоб қилиб, анамнез йиғишни бош-лайман. Одатда уларнинг оилавий му-ҳитида албатта муаммо чиқади. Камида укаси дунёга келиб, унга эътибор аж-ратилмай қўйилгани ойдинлашади. Ёки нотўлиқ, яъни ота-она ажрашган, шу-нингдек, кўп жанжаллашадиган оила-лар ҳам шулар қаторига киради.

*Шу ўринда неврознинг жисмоний касалликларга хос аломатлари ҳам борлигини таъкидлаб ўтмоқ-чимиз: тез-тез бош ёки қорин оғриғи безовта қилади; бола доимий йўталади ва безов-талиқ ҳаяжонланган вақтда кучаяди; ҳожатга етиб боришга улгурмай-ди (3 ёшдан ошганда), пешоб тугитиб туролмаслик (энурез); яхши еб-ичмаслик; безовталаниб ухлаш; кўркув ва ҳоказолар.*

**– Оилада неврозга старт берил-ди, компьютер ўйинлари эса уни ри-вожлантиради. Бу фикрни қанчалик асосли деб биласиз?**

– Буни бугунги куннинг долзарб масаласи десак ҳам бўлади. Ҳозирги пайтда компьютер, турли гаджетлар бо-ланинг энг яқин дўстига айланяпти. Ле-кин аслида бундай бўлмаслиги керак. Биласиз, мен болалар шифохонасида ишлайман ва иш юзасидан, айниқса, эрталабки текширувга кирганимдаёқ оналарнинг ўз телефонига тикилиб ёт-ганига, болаларнинг планшет ўйнаб ўти-риганига гувоҳ бўлман. Демокчи бўл-ганим, бу ерда онани чалғитадиган иш-лар йўқ. Яъни овқат пишириш, уй тоза-лаш ёки тирикчилик ташвиши деганла-ридек... У деярли бутун вақтини фар-зандига ажратса бўлади. Бироқ, минг аф-суски, бунинг аксини кузатамиз. Хўш, қани ўзаро мулоқот, қани ўзаро муно-сабат?! Айнан шу тариқа нафақат оила аъзолари, балки она билан бола ҳам бир-бирдан узоқлашиб кетаверади. Натижада оилалар меҳр-эътибор кўрма-ган фарзандлар ширин сўзларга учиб (айниқса, қизлар), йўлидан адашадилар. Она эса қачон, қаерда хатога йўл қўй-ганини англолмай кўксига уриб қолаве-ради. Ота-она билан фарзанд ўртасида гузилиш аслида секин-аста ривожла-ниб борувчи жараён. Яъни борган сари ингичкалашиб, кейин бирдан узилади ва алоқа йўқолади...

**– Неврозни бошдан кечириётган болага қандай ёрдам бериш мум-кин?**

– Мен бир нарсани таъкидлашдан сира чарчамайман. Буни мижозларим ҳам яхши билишади. Бола парварши-да, аввало, атроф-муҳит, оила деб атал-миш кўрғоннинг тинчлигини таъминлаш зарур. Шундай қилинганда, бола ота-она-да ўз дўстини топсин. Нима учун биз шифокорлар кўпроқ оналарни бош план-га чиқарамиз, чунки оталар асосан ишда бўлишади ва фарзандларига кам вақт



ажратишади. Лекин оила бахти тўқисли-ги, болалар тарбияси мукамаллигига ота ўрни ҳам жуда муҳим. Демак, улар ҳам фарзандларига албатта вақт аж-ратилари шарт. Иккинчи ўринда стрессга олиб келган сабабни йўқотиш зарур. Бундан ташқари, болага кўпроқ вақт аж-ратиб, у билан бирга бўлиш, тоза ҳавода сайр қилиш, сув муолажаларини ўт-казиш ҳам айна муддао.

**– Билишимизча, невроз ҳатто иб-ратли оилалар фарзандида ҳам уч-рар экан. Масалан, қаттиқ кўркув сабаб...?**

– Тўғри, ибратли оилаларда ҳам невроз-ни орттириб олган болаларни учратиб тураемиз. Лекин улардаги невроз қисқа вақт ичида ўтиб кетади. Чунки бундай оилаларда она эътиборли бўлади, бо-ласида муаммо борлигини вақтида сезиб, мутахассисга мурожаат этади. Шунингдек, ўзи ҳам фарзандига ҳар то-монлама ёрдам беришга ҳаракат қо-лади, бор эътиборини унга қаратади. Қараб-сизки, жараён тез орада ортга қайтади.

**– Невроз қайси даврларда кўпроқ кузатилади?**

– Бу ўринда боланинг ривожланиш даври билан боғлиқ бир неча босқич-ларни айтиб ўтиш мумкин. Уни биз кри-тик давр деймиз. Биринчиси – 2-3 ёш, иккинчиси – 6-7 ёш, учинчиси – 12-13 ёш, кейингиси – 16-17 ёш. Шу давр-ларда болаларнинг стрессга таъсирчан-лиги юқорироқ бўлади ва невроз ҳола-тига олиб келиш хавфи ҳам ортади.

**– Невроз бошланиб, болани му-тахассис кўригига олиб бориш вақ-ти етганини нимадан англаш мум-кин?**

– Она эътиборли бўлса, фарзанди-да невроз бошланганини албатта пайқай-ди ва дарров мутахассисга мурожаат қилади. Бу ерда мақсад қанақадир дори-дармон ёздириш бўлмаслиги керак. Агар аёл ўқимишли, ўз устида ишлайдиган она бўлса, тиббий адабиётларни титки-лаб, ўқиб-ўрганиб ўзи ҳам боласини ушбу ҳолатдан олиб чиқиб кетиши мум-кин. Неврознинг зўрайганлик аломати – болада уйку бузилиши, тез-тез касалга чалиниш билан намоён бўлади. Ҳамма-мизга маълум, барча касалликлар асаб-дан дейилади. Стрессга учраган танада иммунитет пасайиб, одам турли хаста-ликларга мойил бўлиб қолади, жумла-дан, болалар ҳам шундай. Яна иштаха бузилиб, озишни бошлайди, инжиқла-нади ва ҳоказо.

Шу кунгача қабулимда бўлган бе-мор болаларнинг 60 фоизига невроз ташхисини қўйса бўлади (ҳар хил тур-ни). Лекин шуни унутмаслигимиз керак-ки, невроз – бу функционал ҳолат. Яъни бош миёда зарарланиш бўлмайди. Агар вақтида чора кўрилса ва бартароф этил-са, ўтиб кетади.

**– Айна кунларда мазкур касал-лик билан боғлиқ вазият қандай? Яъни кучайганми ёки ота-оналар уйда кўпроқ бўлаётгани учун камай-ганми?..**

– Мен бугунги карантин даврида, ҳар биримиз учун синовли дамларда неврознинг янада кучайиб бораётгани-дан жуда афсусдаман. Ота-оналарнинг

асосий шикоятлари ҳам айнан невроздан бўляпти. Тўғри, буни тушуниш мумкин. Айни кунларда нафақат болалар, балки катталарга ҳам қийин. Лекин биз келажагимиз давомчилари учун яшашга имонимизни, ҳаёт уларсиз қизиқ эмаслигини унутмаслигимиз даркор. Кўп ҳолатларда кўрамиз, эшитамиз, ота-она карантинда зерикканидан, рўзгорнинг камқўстини тўлдиролмаганидан асабийлашяпти ва ўз жаҳлини болага социяпти. Бу – нотўғри. Бундай ўйлаб қарасак, болаларнинг ғайрати бизникидан анча кўпроқ, улар энергиясини қаерга сарфлашни билмаяпти, кўчага чиқа олмаяпти. Боғчадан, ўқув марказлари, спорт тўғаракларидан қолиб кетяпти. Демак, биз уларни ҳадеб тергайвермай, аксинча, юзага келган камчиликлар ўрнини тўлдиршига ҳаракат қилишимиз зарур.

Масалан, оилавий ўйинлар ташкиллаштириш мумкин. Едимда бор, болалигимда ота-она билан оилавий лото ўйнардик. Ўзим эса болаларим билан бирга монополия ўйнаб турардик. Замона зайли билан ҳозирда стол устида ўйналадиган ўйинларнинг тури жуда кўп. Бундан ташқари, кичикроқ ёшдаги болалар билан қанақадир спорт шаклидаги ўйинларни ташкиллаштира бўлади. Ҳатто уй юмушларини ҳам ўйин шаклида олиб бориш мумкин. Мисол учун, оддий овқат тайёрлаш жараёнини ҳам. Фақат эринмаслик керак. Агар айни пайтда фарзандларингизни сиз ота-оналар қўллаб-қувватламангиз, унда ким ёрдам беради. Ахир уларнинг сиздан бошқа суянадиган, ишонадиган одами йўқ-ку?!

**– Агар ота-оналар, юртдошларимизга алоҳида муурожаатингиз ёки маслаҳатларингиз бўлса, марҳамат...**


– Раҳмат. Аввало, фурсатдан фойдаланиб, барча ота-оналарга айтадиганим, фарзандларингиздан муҳаббатингизни, вақтингизни, эътиборингизни аяман! Улар хотирасида болалик олтин даврдек муҳрлиб қолсин. Бу эса албатта сиз ота-оналар қўлидадир.

Биласизми, бизнинг ўзбек оилаларида: болани туғдим, едирдим-ичирдим, кийдирдим бўлди, деган қараш бор. Аслида энг қийини болани шахс сифатида катта қилишдир. Мисол учун, менга яхшудиларнинг бола тарбия қилиш асослари жуда ёқадди. Улар фарзанд кўрганидан бошлаб, унинг миясига: сен энг ақли боласан, сен энг чиройли боласан, сен энг соғлом боласан, сен энг ҳамма ишинг ўхшайди ва сен ҳаммасининг урдасидан чиқасан, деган фикрларни сингдиришади. Қаранг, қандай гўзал ёндашув. Бизда эса бунинг аксига кўп гувоҳ бўламиз. Мабоодо сиз фарзандингизни доимий уришаверсангиз, “Уни қилма, бунга тегма, жувонмарг бўлгур, анави кўшнининг боласи яхши, сен нега бунақасан, фалончининг ўғли ёки қизи сендан минг марта ақли” деб катта қилсангиз, ундан иродали шахс чиқмаслиги тайин. Бироқ барчамиз болажонларимиз, келажагимиз эгалари билан фахрланганимиз, уларнинг юкори чўқиларни забт этишини хоҳлаймиз. Шундай экан, истагимиз рўёби учун ҳам ҳозир, айни дақиқаларда ноқўб ҳаёт тарбиясига тўғри ёндашайлик, улардан меҳримизни, эътиборимизни асло аямайлик!

**– Берган маълумотларингиз ва тавсияларингиз учун катта раҳмат!**

Шоҳида ИСРОИЛОВА  
сўхбатлашди

**Карантин чекловлари яна узайтирилди. Ҳар гал узайтирилганда тартибларга шунчаки кўниб эмас, мослашиб бораёلمиз. Карантин эълон қилинган дастлабки кунларда ўйда қолиш, ниқоб тақиш, масофадан туриб ишлаш, хат-ҳужжат ишларини онлайн юритиш ва шу каби бошқа тартиблар одамлардан кундалик одатларини “тортиб олди”.**



## ПАНДЕМИЯ БИЗГА НИМАЛАРНИ ЎРГАТМОҚДА?

**Гарчи нотабиий бўлса ҳам, худдики кенг уст-бош кийишга ўрганган одам тор кийдирилганда ўзини қандай ўнғайсиз сезса, шундай бир ҳолат юзага келди. Мана энди жаҳон миқёсида қарийб етти ойлик, бизда эса салкам беш ойлик муддат – тажриба шунни кўрсатмоқдаки, ушбу вирус билан бирга яшашга, унга мослашишга мажбурмиз ва ҳозирча бундан ўзга йўл йўқ. Бошқача айтсак, пандемия жамият ривожининг янги йўналишларини кашф этишга, “тортиб олган”лари ўрнини муқобиллари билан тўлдиршига мажбур қилмоқда ва бу билан инсониятга яхшигина “дарс” бермоқда. У бизга нималарни ўргатяпти?**

### Вақтни тежаш

COVID-19 дунё компанияларини, давлат органлари ходимларини уйдан туриб ишлашга одатлантирди. Табиийки, бу ҳолат кўпга иш берувчилар учун қўтилмаган бўлди, аммо вазият тақозоси шу. Қайтанга, ишни масофадан юритиш “одатий иш тарзи”дан кўра афзалроқ эканлиги маълум бўлмоқда.

Жумладан, бу ходимларга вақтни тежаш имкониятини берди. Ишга бориб-келиш, йўллардаги тирбандликларда “ҳавога учадиган” вақт ва унинг натижасида пайдо бўладиган стресслар камайди.

YouGov, LinkedIn, USA Today томонидан 2020 йил май ойида ўтказилган сўровга кўра, 54 фоиз иштирокчи пандемия сабабли масофавий ишлаш уларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатганини маълум қилган.

Бунинг асосий сабаблари эса, ишга бориш вақти тежалди (71%), ходимлар бир-бирини чагғитишмайди (61%) ҳамда турли йиғилишлар бўлмади (39%).

Шунингдек, масофавий ишлаш тартиби иш берувчиларга ҳам бир қатор қулайлик яратди. Масалан, ушбу тартиб ходимларнинг иш ўрни-

ни сақлаш, хизмат хонаси, техникалар, канцелярия, офисни таъмирлаш, уни сақлаш учун маблағларни тежаш имконини беради.

### Иш вақти эмас, иш ҳажми

Бугун Ўзбекистон шароитида ходимларнинг масофадан ишлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Аввало, амалдаги меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш лозим. Айрим соҳаларда иш вақти тушунчасидан воз кечиш иш ҳажми тушунчасини жорий этиш – замон тақозоси. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган давлат ва хусусий секторда ишни масофадан ташкил қилиш мумкин эканлиги ҳозирги вазиятнинг ўзи исботлади. Ҳужжатлар алмашинувини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш ҳисобига масофавий иш режимини пандемиядан кейин ҳам сақлаб қолиш ҳар томонлама фойдали.

Бу борада FlexJobsning 2019 йилдаги (ҳали коронавирус деган гаплар йўқ шароитдаги) сўровларига эътибор қаратсак, 65% мутахассис анъанавий офисдан кўра уйдан туриб ишлаш самаралироқ деб ҳисоблаганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, 49% респондент фикрига кўра, уларда қандайдир стресс ёки сиқилиш бўлганида ўз уйларига бориб ишлашни афзал кўришини билдирган.

### Масофавий таълим – чорасизлик эмас, талаб

Пандемия ўзгаришга мажбур қилган энг муҳим соҳалардан бири, шубҳасиз, таълим. Боғча, мактаб, коллежу лицей, университет – барида масофавий таълимга ўтилди. Бу “йўл” чорасизликдан эмас, давр талаби ҳам шу. Аслида, карантин шароитидан олдин ҳам аксар ривожланган давлатларда масофавий таълим уларнинг кундалик ҳаёт тарзига айланган бўлиши мумкин. Бу ҳар бир давлатнинг таълимни бу шаклда олиб боришда тайёргарлик даражаси билан боғлиқ. Айрим давлатларда бунга ресурс ҳам, имконият ҳам етарли. Бироқ сира қўтилмаганда пандемия

шароити кўп давлатларнинг таълимни масофадан туриб олиб боришга тўлиқ тайёр эмаслигини аён қилиб қўйди. Бизда ҳам муаммо шу.

### Бу борада хориж тажрибаси қандай?

Масалан, Камбоджанинг Таълим, ёшлар ва спорт вазирлиги Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда “Think!, Think!” деб номланувчи янги дастур ишлаб чиқди. Ушбу дастур ўқувчиларга онлайн дарс ўтишга мўлжалланган бўлиб, талабаларга интернетга ёки шунга ўхшаш тармоқларга уланмаган Satellite Decho TV (DTV) орқали таълим олиш имконини беради. Ўқувчиларни онлайн дарсларга қизиқтириш учун дарслар турли ўйинлар, пазллар кўринишида режалаштирилмоқда.

Ёки Малайзияда шу йилнинг 6 апрелидан бошлаб барча ўқувчилар учун таълим дастурларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи “TV Okey” деб номланган янги телеканал ташкил қилинди. Ушбу канал асосан интернетга уланмиш имконига эга бўлмаганлар учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, масофавий таълимда кузатиладиган энг кўп муаммолардан бири – фойдаланувчиларнинг ахборот хавфсизлиги билан ишлаш ҳамда маданият масалалари бўлиб қолмоқда. Ҳали интернет билан мулоқотни тўлиқ ўзлаштирмай туриб, таълимга алоқадор турли дилчир ҳолатлар тарқамоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, уларнинг олдини олишни кўзлаб мутахассислар томонидан алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилса, айни муддао бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, ҳар бир соҳа эртанги куннинг ғамини ейиши, истиқболда қайси йўлдан боришини чамалаб олиши керак. Вақт, масофавий ишлаш, таълим асосида шулардан бир нечасини санаб ўтдик, холос. Саналмаганлари эса анча.

Дилмурод РАҲАБОВ,  
Адлия вазирлиги масъул  
ходими

## 10 | ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА



## “ШИФО ТОПГАН ДИЛ”

— Дада шуям ҳаётми, биримиз ҳеч икки бўладими? Севган қизимнинг олдида қачонгача тилим қисилиб юради?! Биласизми, у кимнинг қизи, қанақа машина миниб юришини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

### Умид қилиб уч йил кутган фарзандлари уч ёшга тўлганида, шифокорлар даҳшатли хабарни айтишди

— Болада юрак нуқсонни бор. Ҳаёти қил устида турибди. Жуда эҳтиёт қилишингиз керак. Ун ёшидан бошлаб операция қилиш мумкин. Бу операциялар ҳозирча бизда ўтказилмайди. Германиядаги шифокорларгина бу ишнинг урдасидан чиқишади...

Эр-хотин тиканларни босиб келгандек уйга етиб келишди. Уғиллари мўлтираб қараб турарди. Шундан сўнг отаси, аввал эътибор бермаган бир жиҳатни ўзи учун кашф этди. Оғир дардга чалинган болаларнинг кўзларидан, улар худди ўз тақдирларидан бохабардек ажиб бир мунг бўларкан.

Бу юракни эзгуви нигоҳларни нафақат ўз ўғлида, балки шифохонада шу сингари дардлар билан оғриган бошқа болакайлару қизалоқларда ҳам кўрди. Оила устуни ўғли билан хотинининг олдида ўзини тутса-да, четга чиқиб ўкириб-ўкириб йиғлади. Кейин олдида қатъий мақсад қўйди. Қандай бўлмасин, ўғлининг ҳаётини сақлаб қолади! Ўзи бир бурда нонга зор бўлса ҳам майли, шугина боласи соғ-саломат бўлса бас. Боласи бу дарди учун хижолат бўлгандек, қоп-

қора кўзларини жавдиратиб турарди.

Хотини ўғлига қараш учун ишидан бўшади. Энди бу ташвиш устига рўзгорнинг бутун камчилиги ҳам эркакнинг бўйнига тушди.

Боланинг дарди билан олишиб йиллар ўтаверди. Ун ёшгача тўпланиши керак бўлган зарур маблағ уларнинг оиласидан узоқлашса узоқлашдики, яқинлашмади. Муддат етиб келганида бола ҳам ҳамма нарсани тушуниб қолганди. Ёшига нисбатан анча катталарнинг гапини гапирди ва отасининг юрак-бағрини ўртаб юборди:

— Менинг дардимни ўйламанг дада, пешонамда борини кўраман...

Яна бир четга ўтиб бутун вужуди тўкилиб йиғлади. Юрагидаги дарди учун хотини, фақатгина битта фарзанд билан кифояланганди. Энди шу ёлғиз фарзанднинг беҳолгина уриб турган юраги ҳам, ҳар дақиқани санаб турибди...

Охири бир қарорга келди. Уғлининг ҳаётини сақлаб қола олмайдиган бўлса, бу уйнинг нима кераги бор?! Фарзанди соғайиб кетса, бундай хонадонларнинг бир нечтасини совға қилади.

Мўлжалларидан арзонроққа олувчи, лекин операция учун

етадиган пулни берувчи харидор топилди. Пул олинди-ю уحوлашиб хорижга жўнашди.

\*\*\*

Немис шифокорлари ҳақиқатдан ҳам мўъжиза яратишди. Қадамни аранг босаётган болакай йиллар ўтиб овози дўриллаган, чиройли қизларни кўрса нуқсонни ортада қолдириб, бақувватлашиб қолган юраги дукиллаб кетадиган йигитчага айланди. Йигитча кўксига оғриқни унутган, лекин ота-онасининг дарднинг тафтини псайтириш учун эркалашларини яхши эслаб қолганди. Онасига унинг камчиликлари кўринмади, дадаси юрагидаги нуқсонларини йўқотиб, ҳаётга қайтган нуридийдасининг кейин орттирган барча нуқсонларига кўз юмди.

Йигитча йигит бўлди. Кунларнинг бирида оғзидан ароқ бўлмаса-да, аллақандай ичимликнинг бадбўй ҳидини таратиб кириб келди.

— Дада шуям ҳаётми, биримиз ҳеч икки бўладими? Севган қизимнинг олдида қачонгача тилим қисилиб юради?! Биласизми, у кимнинг қизи, қанақа машина миниб юришини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ё мен ҳам хориждаги ёшлар сингари шартта кўчага суриб, ўз аравамни ўзим тортайми? Бахтимни ўзим

қидирайми?

— Унақа дема ўғлим. Худога шукр, қора қозон қайнаб турибди...

— Э бу қора қозонингизга қачонгача тикиламан? Мен кетдим, ўз кунимни ўзим кўраман. Она ўғлининг оёғига йиқилиб ёлворди, отаси тушунтиришга ҳаракат қилди. Лекин йигит ўз режасини тузиб бўлганди.

Кўп қаватли уйнинг зинасидан тушганида, хориж машинаси келиб тўхтади. Эшикни очиб ўтирди. Машинани чийиллатиб ўрнидан қўзғатган қиз оғзида тутатаётган сигаретини йигитга узатди ва сўради:

— Нима дейишди?  
— Нима ҳам дейишарди?..  
— Бўлмаса эркин ҳаёт сари олға!

\*\*\*

Бошларини чангаллаб турган ота-онани шу кун иккинчи зарба ҳам кутиб турарди.

Эшик тақиллади. Ичкарига бемалол кириб келган одам шундай деди:

— Уйни сотадиган бўлиб қолдик. Шунинг учун бир ҳафта ичида бўшатиб қўйинглар. Сизлардан олаётган ижара пулим урвоқ ҳам бўлмасди, ҳалиям шунча қўйиб бердим...

Аброр ЗОҲИДОВ



## ГУЛГУЛА

**ЭШМАТ:** — Акангни оиласи коронавирус бўлиб қолибди, — деб эшитдим.

**МАМАРАҲИМ:** — Йўқ улар оддий шамоллаган, бекорларни айтибсан.

**ЭШМАТ:** — Аканг акамга телефонда гаплашганда айтибдику "бу жуда ёмон вирус экан" деб.

**МАМАРАҲИМ:** — Акам ҳазиллашган, ўзингни бил, ўтган ой сенинг опачанг Самарқанддан иссиғи чиқиб келиб, қишлоқда ифторликда қатнашиб ҳамманни ваҳимага қўйдириб кетганди, нима бўлди?

**ЭШМАТ:** — Опачам коронавирус бўлмаган, бруцеллёз бўлган экан. Хайрият бруцеллёз экан.

**МАМАРАҲИМ:** — Бруцеллёз, анув моллардан юқадиган, бутун суякларни қақшатиб алаҳлатадиган қораоқсоқ касаллиғими, ёмон қилади, лекин у одамни.

**ЭШМАТ:** — Шунисигаям шукр, ҳар ҳолда ковид эмас...

**ТОШМАТ:** — Менам эшитдим Тошкентда жуда кўп экан коронавирус билан касалланганлар, балки акангни оиласи ростдан коронавирус бўлгандир.

**МАМАРАҲИМ:** — Йўқ акам оддий шамоллаган, ҳазиллашган. Ўзингни амакингни ўғиллари ўтган ой отасини зир югуриб шифохонама-шифохона олиб чопишди, иссиғи тушмаяпти деб, балки амакинг ковид бўлгандир.

**ТОШМАТ:** — Ҳечамда, амакимни Самарқандга олиб бориб текширтиришди. Ўпкасида шиш бор экан, ҳеч қанақа корона эмас, раkning бошланиши экан.

**ЭШМАТ:** — Хайрият амакингда ковид қиқмабди, кекса одам билиб бўладими...

Шу пайт Мамараҳимнинг телефони жиринглаб қолди. У чеккароққа ўтиб ўша Тошкентдаги акаси билан саломлашди. Ёзи билан акасини ҳар сафар қишлоққа чорлаётган, дам олиб кетинг деётган одам бу сафар акаси билан озгина гаплашиб, соғлиғини сўраган киши бўлдида, тезгина хайрлашиб қўяқолди...

Б.СУЛТОНОВА

# Исломбек РУСТАМБЕКОВ: "ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МУТАХАССИС СИФАТИДА НОМ ҚОЗОНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН"

ICSID халқаро арбитражлари рўйхатига киритилган илк ўзбекистонлик ҳуқуқшунос билан суҳбат.

"Xabar" мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларида хизмат қилаётган юрtdошларимиз билан туркум интервьюларни давом эттиради.

Навбатдаги суҳбатдошимиз илк ўзбекистонлик ҳуқуқшунос сифатида ICSID халқаро арбитражлари рўйхатига киритилган ҳамюртимиз, юридик фанлари доктори, профессор Исломбек Рустамбеков бўлди. Ҳуқуқшунос профессор 5та халқаро арбитраж марказининг арбитражлари рўйхатига киритилган. Шунингдек, Тошкент давлат юридик университети проректори сифатида фаолият кўрсатмоқда.



— Аввало, илк ўзбекистонлик ҳуқуқшунос сифатида ICSID халқаро арбитражлари рўйхатига киритилганингиз билан табриклаймиз! Келинг, суҳбатимизни ушбу марказ фаолияти мавзусида бошласак.

— ICSID — International Center for Settlement of Investment Disputes, яъни Инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича халқаро марказ халқаро инвестицион низоларни ҳал қилишга мўлжалланган дунёдаги етакчи институт ҳисобланади. Мазкур марказ 1966 йили давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасида инвестиция бўйича низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги конвенция (1965 йили қабул қилинган Вашингтон конвенцияси) асосида ташкил этилган бўлиб, шу кунгача 600дан ортқ инвестициявий низоларни кўриб чиққан.

Марказ низоларни келишув, арбитраж ёки далилларни топиш орқали ҳал қилишни таъминлайди. ICSID жараёни халқаро инвестиция низолари ва уларни жалб этган томоннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, инвесторлар ва қабул қилувчи давлатларнинг манфаатлари ўртасида пухта мувозанатни сақлаш учун ишлаб чиқилган. Ҳар бир ҳолат томонларнинг далиллари ва ҳуқуқий асосларини эшитганидан сўнг арбитраж трибунали томонидан кўриб чиқилади.

Шунингдек, ICSID томонидан инвестиция фаолияти соҳасидаги халқаро шартномалар ва миллий қонунлар бўйича маълумот бериш, кенг доирадаги нашрлар, жумладан журнал ва тўпламлар чоп этиш, турли халқаро тadbирлар ва тақдиротлар ўтказиб бориш фаолияти ҳам юритилади.

Мамлакатимиз Вашингтон конвенциясига ва бу орқали ICSIDга 1994 йили қўшилган.

— Сизнингча, шу вақтга қадар ўзбекистонлик юристларнинг ICSID халқаро арбитражлари рўйхатига кирмаганлигига айнан нималар сабаб бўлган?

— ICSID ихтисослашган арбитраж маркази, у фақат инвестиция низоларини кўриб чиқади ва ҳал этади. Инвестиция низолари эса ўзига хос хусусиятларга эга ҳамда уни ҳал этиш учун белгиланган арбитражлардан чукор билим, мазкур соҳада тажриба ва катта масъулиятни талаб этади. Арбитрлар рўйхатига кириш учун мутахассис халқаро инвестиция ҳуқуқи, халқаро арбитраж, халқаро низоларни ҳал этиш масалалари бўйича билим, кўникма ва компетенцияларга, шу соҳада амалий тажрибага эга бўлиши керак ҳамда мазкур соҳа доирасида ўз давлатида ва халқаро миқёсдаги амалиётларни ўртасида номини таъин олиши

талаб этилади. Шунингдек, низоларнинг асосий қисми инглиз тилида кўриб чиқилиши сабабли, арбитр инглиз тилини ҳам мукамал билиши зарур.

Афсуски, маълум давргача мамлакатимизда мазкур соҳада кадр тайёрлашга етарлича эътибор берилмаган ҳамда бу соҳадаги амалиёт ривожланмаган. Лекин давлатимиздаги иқтисодий ўсишлар, халқаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларнинг ривожланиши юридик кадрлар тайёрлашда халқаро миқёсда давлат, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қила оладиган ҳуқуқшуносларга эътижни кучайтирди.

Шу сабабли халқаро низоларни ҳал этиш, шу жумладан халқаро арбитраж масалаларига эътибор кучайиши бошланди.

2013 йил Тошкент давлат юридик университети ташкил этилиб, унда Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси очилган ва мен ушбу кафедранинг мудири этиб тайинланганман. Шунда кафедра фанларига "Халқаро тижорат арбитражи" фанини киритиб, унинг дастурларини ишлаб чиқиб ўқитишни бошлаган эдик. Шунингдек, халқаро арбитраж соҳасидаги мутахассисларни тақлиф этиб, кўплаб тadbирлар ташкил этиш тажрибасини ҳам йўлга қўйганмиз. Кейинчалик Тошкент давлат юридик университети ҳузурда Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ташкил этилди. Ҳозирда ушбу Марказ томонидан айнан халқаро низоларни ҳал этиш, халқаро арбитраж ва медиация масалалари бўйича хорижий экспертлар иштирокида ўқув курслари ташкил этиб келинмоқда. Унинг битирувчилари хорижий юридик компаниялар ва халқаро арбитраж марказларига стажировкага юборилмоқда. Шунингдек, жорий йилдан Тошкент давлат юридик университетида Халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этиш номли магистратура мутахассислиги ҳам жорий этилди.

Уйлайманки, мазкур ишларимиз келгусида ўзининг самарали натижасини беради ва халқаро миқёсда фаолият юрtdадиган, хусусан халқаро арбитраж марказларида арбитр бўлиб низоларни ҳал этишда иштирок этадиган мутахассисларимиз кўпаяди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам инвестициявий низолар рўй бериб турадимиз? Билишимча, бу ҳусуда жамоатчилик кўп ҳам хабардор эмас.

— Бугунги кунга қадар мамлакатимиз иштирокида 8та инвестиция низоиси ICSIDда кўриб чиқилган. Ушбу маълумот ICSIDнинг расмий веб-саҳифасида мавжуд. Бир неча шундай кўриб чиқилган низолар бўйича маълумотлар миллий

ОАВларда ҳам ёритилган.

Шуни таъкидлашим ўринлики, Ўзбекистон иштирокидаги бир неча ишлар халқаро инвестиция арбитражи амалиёти учун муҳим прецедент сифатида эътироф этилади.

Кўшимча маълумот сифатида айтмоқчиман, бугунга қадар мамлакатимиз 55 та давлат билан ўзаро инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тўғрисидаги икки тарафлама шартномалар имзолаган. Ушбу шартномаларда инвесторлар ўзларининг ҳуқуқлари бузилган ва бунинг натижасида уларга моддий зарар етказилган деб ҳисоблайдиган бўлсалар ICSID халқаро арбитраж марказига мурожаат қилиш ҳуқуқлари қафолатланган.

— Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, унинг жозибadorлигини ошириш, шунингдек, инвестиция низоларини олдани олиш йўналишида нима ишлар қилиниши керак деб ўйлайсиз?

— Юртимизда инвестиция муҳитини ва хорижий инвесторлар учун жозибadorликни ошириш жуда муҳим. Бу учун миллий ҳуқуқ тизими ва амалиётда биринчи навбатда барқарор қонунчилик ва ҳуқуқ устуворлиги таъминланиши талаб этилади. Яъни, инвестор сармоя киритишда кейинги 10-20 йилда қонунчиликда кескин ўзгаришлар бўлмалиги, мамлакат барқарор ривожланиши, давлат органлари ўз функционал вазибаларини ўз вақтида, ортқча бюрократиясиз ва сифатли бажариши шарт. Инвесторнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда суд қонун-ҳужжатларига мувофиқ, тўлиқ асослан-тирилган адолатли қарор чиқаришига ишонч ҳосил қилиши керак. Буни эса давлат йиллар давомида шакланган ва фаолият юрtdаётган тизим сифатида кўрсатиб бериш лозим.

Охириги йиллар қабул қилинган, жумладан, "Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунлар, янги Солиқ кодекс, шунингдек, суд тизимидаги ўзгаришлар — буларнинг барчаси айнан адолатли тизим ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга хизмат қилишга қаратилган. Давлат хизматчилари айнан шу қонунлар моҳиятини ва амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини тўлиқ англаган ҳолда ўз фаолиятларини тўғри ва самарали ташкил эта олсалар, албатта буларнинг барчаси ўзининг ижобий натижасини кўрсатади, деб ўйлайман.

— Суҳбатимизни нима учун айнан таълим, хусусан илмий соҳани танлаганингиз мавзусида давом эттирасиз?

— Магистратурада ўқиётган вақтларимда айнан илмий фаолият билан шуғулланиши, илмий мақолалар ёзиши, илмий таҳлил ва муҳожада қилиши

ўрганганман. Устозларим мақолалар ва рисоалар нашр этиш, дарс машгулотларини биргаликда олиб бориш, педагогик технологияларни ўргатишган. Шундан сўнг илмий-педагогик фаолиятга қизиқиб аспирантурага ўқишга кирганман ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганман. Сўнгра ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири сифатида фаолият юритдим ва фан доктори илмий даражасига эришдим. Шу билан бирга, илмий фаолиятим давомида АҚШ, Сингапур, Германия, Франция, Австрия, Нидерландия давлатлари университетлари билан тажриба алмашинишда бўлганман.

Бундан ташқари, ҳозирда илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ва бир қатор илмий журналлар таҳрир хайъати аъзосиман. Илмий фаолиятим давомида 100дан ортқ илмий ва ўқув-услубий ишлар миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган.

— Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз ва ёшлар албатта ўқиши керак бўлган китоблар бўйича тавсияларингиз?

— Афсуски бўш вақтим кам бўлади, лекин бўш вақт бўлганида оиламга ва фарзандларимга вақт ажратишга, шунингдек бадий адабиётлар ўқишга ҳаракат қиламан. Шу ўринда ёшларимизга қўпроқ китоб ўқишни тавсия қилган ҳолда Худойберди Тўхтабоевнинг "Беш болаи йиғича", Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарларини, Николай Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди", Фёдор Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо", Николло Макиавеллининг "Хукмдор", Келли Макгонигалнинг "Ирода кучи: қандай қилиб ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мумкин", Тина Силингнинг "Ўзингни ўзинг яса" ва Дейл Карнеги, Пауло Коэлио, Роберт Кийосаки асарларини ўқишни тавсия этаман.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Ҳуқуқшунос олим сифатида ўз олдимга бир қатор режалар қўйганман. Жумладан, халқаро низоларни ҳал этиш, халқаро арбитраж ва медиация йўналиши бўйича алоҳида илмий мактаб яратиш, мазкур йўналишда илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликлар нашр этиб уларни халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш, ушбу соҳа бўйича кўп мутахассислар тайёрлишини йўлга тутиш асосий макссадларимдан. Бундан ташқари, халқаро арбитраж ва медиация йўналишида фаолиятимни янада кенгайтириш, бошқа турли арбитраж марказларига арбитр ва медиатор сифатида рўйхатга кириш ниятидаман ҳамда халқаро низоларни ҳал этишда халқаро эътироф этилган мутахассис сифатида ном қозонишга ҳаракат қиламан.

Нурилло ТўХТАСИНОВ  
суҳбатлашди

## 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## КОМПАНИЯЛАР


## APPLE ТАРИХИЙ РЕКОРДИ БИЛАН АРАБ НЕФТ КОМПАНИЯСИДАН ҲАМ ЎТИБ КЕТДИ

Жорий йилнинг 27 июлида учинчи молиявий чоракни якунлаган Apple 30 июлда бу ҳақда оммавий ҳисобот берди. Ҳисобот даврида Apple даромади 59,685 миллиард долларга етган – кўрсаткич ўтган йилгидан 11 фоизга юқори.

Ҳисобот эълон қилинганидан сўнг Apple акциялари нархи 10 фоиздан зиёд қимматлаб, тарихий рекорд кўрсаткичга етди. Акцияларнинг умумий қиймати 1,82 триллион долларни ташкил этди. Натижада iPhone ишлаб чиқарувчиси Saudi Aramco нефт компаниясини ҳам ортда қолдириб, дунёдаги энг қimmat компанияга айланди.

Биржаларда савдолар ёпилиши пайтида Аррленинг бир дона акцияси нархи 425,04 долларга тенг эди. Бу ўсишнинг ўзи компания капитализациясига 172 миллиард доллар қўшди; шунинг ўзиёқ Огаценнинг барча акциялари қийматидан юқори. Умуман олганда, йил бошидан буён Apple акциялари тахминан 45 фоизга қимматлашди.

Дарвоқе, юқорида таъкидланган Saudi Aramco – Саудия Арабистонининг миллий компанияси бўлиб, нефт қазиб олиш ҳажми ва захираси бўйича дунёда биринчи ўринда туради. У ўтган йили очиқ биржага чиққан ва ўшандан буён жаҳоннинг энг қimmat компанияси бўлиб келаётганди. Биржа савдолари ёпилиши арафасида унинг бозор капитализацияси Аррленикдан салгина пастроқ – 1,760 триллион долларга тенг бўлган.



## ИЛОВАЛАР

## APP STORE: ХИТОЙНИНГ 30 МИНГТА ИЛОВАСИ ЎЧИРИБ ТАШЛАНДИ

Apple компанияси App Store онлайн-дўконидан хитойликларга тегишли 30 мингта иловани ўчириб ташлади, шуларнинг 90 фоизи ўйинлар эди.

Компания Хитойдаги тўлов талабларидан келиб чиқиб шундай қилишга мажбур бўлди. Гап шундаки, Хитойдаги мавжуд қонунга кўра, илова ва ўйинлар ишлаб чиқарувчилар ички харидлар учун бу мамлакатда лицензияга эга бўлишлари шарт. Apple шунчаки Хитой қонунини татбиқ этди. Энди хитойлик дастурчилар лицензия олишлари учун бир неча ой кетиши мумкин.

30 мингта илова ўчириб ташланганидан кейин ҳам хитойча App Storeда 179 мингта ўйин бор. Буларнинг 160 мингтаси бепул бўлгани учун уларга Хитой қонуни “ишламайди”.



## КОМПЮТЕРЛАР


## КАФТГА СИГАДИГАН КОМПЮТЕР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

Хитойнинг ХСУ компанияси N4100 деб номланган, кафтга сигадиган мини-компютер ишлаб чиқди.

Қурилманинг ўлчамлари — 63x61x41 мм, оғирлиги 122 грамм. Жажжи компютер тўрт ядроли Intel Celeron процессоридан ишлайди, тезкор хотираси — 8 ГБ, ички хотираси 128 ГБ сизимли SSD-сақлагич.

Компания мини-компютер офис ишларидан тортиб веб-сёрфингга удалай олиши, аудио ва видеосервислардан фойдалана олишини маълум қилган. Компютерда бешинчи авлод Wi-Fi адаптери ва Bluetooth 4.2 технологияси қўлланган. Кичиклигига қарамай, битта USB Type-C, иккита USB Type-A, HDMI 2.0 чиқиш, microSD слоти ва 3,5 мм. тирқиши мавжуд.

Мини-компютернинг нархи — 180 доллар.



## БОЗОР

## HUAWEI ИЛК БОР СМАРТФОН СОТИШ БЎЙИЧА ЖАҲОНДА ЕТАКЧИГА АЙЛАНДИ

Хитойнинг Huawei Technologies компанияси биринчи бор смартфонлар савдоси бўйича “Samsung”ни ортда қолдирди. Бу ҳақда Canalys таҳлилий компанияси хабар берди.



Компания бундай кўрсаткичларга 2020 йилнинг иккинчи чораги охирида эришди.

Таҳлилчиларга кўра, апрел-июн ойларида Huawei 55,8 миллион дона смартфон сотди, бу бир йил аввалгига нисбатан 5 фоизга кам, Samsungнинг савдоси коронавирус пандемияси туфайли юзага келган муаммолар туфайли 30 фоизга камайган — 53,7 миллион дона смартфон.

Сўнги тўққиз йил ичида Samsung ҳам, Американинг Apple компанияси ҳам дунёда смартфонлар савдосида етакчилик қилишган.

## ХАВФСИЗЛИК

## “ҚОРА БОЗОР”: ХАКЕРЛАР БИТТА АККАУНТНИ ҚАНЧАДАН ПУЛЛАШМОҚДА?

Privacy Affairs (NordVPN компанияси бўлинимаси) мухтаassisлари, даркнет (қора интернет)да жойланган юзлаб эълонларни таҳлил қилиб, ижтимоий тармоқда бузиб кирилган битта аккаунт ўртача қанчадан сотилаётганини аниқлашди.

Хакерлар ўғирланган аккаунтларни ўзаро айирбошловчи форум тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Унда маълум бўлишича, Facebook аккаунти ўртача \$74,50, Instagram — \$55,45, Twitter \$49 дан сотилмоқда. Энг қimmatи Gmail аккаунти — \$155,73.



Нархлар анча арзон, бироқ тадқиқотчилар таъкидлашларича, хакерлар бу аккаунтлар ёрдамида аслида кўпроқ мўмай даромад қилишади. Масалан, профилдаги маълумотлардан фойдаланиб фирибгарлик қилишлари, жумладан, шахсий маълумотларни қўлга киритишлари мумкин. Бундан ташқари, ўзгаларнинг шахсий маълумотларидан ноқонуний фойдаланиб, моддий даромад олишга қаратилган жиноятларга қўл урадилар.

## СМАРТФОНЛАР

## ТАҚДИМОТДАН ОЛДИНГИ “ТАҚДИМОТ”: АРЗОН REDMI K30 ULTRA ФЛАГМАНИ ҲАҚИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ЧИҚИБ КЕТДИ

Xiaomi арзон нархда Redmi K30 Ultra флагманини чиқармоқчи деган хабарни инсайдерлар интернетта сиздирганига кўп вақт бўлгани йўқ. Анонсга санокли кунлар қолганида смартфон қандай кўринишидан тортиб, техник тафсилотларига яна интернетта “тортиқ этилди”.

Redmi K30 Ultrанинг техник хусусиятлари TENAA базасида ошкор этилган.

Ундаги маълумотга кўра, смартфонга 6,67-дюйм AMOLED экран (2400 x 1080 пиксел) ўрнатилган. Камераси тўрт модулли (64, 20, 8 ва 8 Мп), селфи-камераси — 16 Мп. Аккумулятори сизими — 4400 мАс, 6/8 ГБ оператив, 128/256/512 ГБ ички хотирага эга.

Redmi K30 Ultra 2,6 ГГц частотали саккиз ядроли CPUда ишлайди. Катта эҳтимол билан бу MediaTek Dimensity 1000 процессори.

Смартфонинг расмий тақдимоти август ойининг бошларига мўлжалланганди.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# Ливан мотамда: ПОЙТАХТ БАЙРУТДА ЙИРИК ПОРТЛАШ

Сешанба куни шаҳар бандаргоҳида содир бўлган портлаш камида юз инсон умрига зомин бўлди, яна тўрт мингдан кўпроқ одамни ҳам жароҳатлаган.

Тасвирга тушиб қолган улкан портлаш порт узра баҳайбат кўзкоринсимон булутдек осмонга ўрлайди. Ливан ҳукумати чоршанба кунидан бошлаб мамлакат бўйлаб уч кунлик мотам, икки ҳафталик фавқулодда ҳолат эълон қилди.



Портлаш жойидан 1,6 километр олисдаги ушбу бинонинг эшиклари кўприлиб, мебеллари синган.

“Интерфакс” агентлиги хабарида Байрут кўчалари кул ва харобалар остида қолгани айтилади. Пойтахт губернатори Марвон Аббуд маълум қилишча, шаҳарнинг ярми талафот кўрган, у бу фалокатни атом бомбаси ташлагандан кейинги Хиросима ва Нагасакига қиёслаган.

Нохуш ҳодисага порт омборида этиборсизлик билан сақлаб келинган кўп миқдордаги селитра сабабчи бўлгани айтилмоқда. Гап шундаки, 2013 йили Байрут портида бир кемадан аммоний нитрати ёки аммиакли селитра мусодара қилинган ва тушириб олинган. Расмийларнинг айтишича, 2750 тонна аммоний нитрати ёки аммиакли селитра ўшандан бери олти йил давомида хавфсизлик қоидаларига риоя этилмасдан портдаги омбор-

хонада сақланган.

АҚШ биринчилардан бўлиб Ливанга ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилди. Президент Трампнинг айтишича, Байрутдаги портлаш, эҳтимол, “даҳшатли ҳужум” бўлган. “Айрим генералларимиз фикрича, айнан шундай бўлган. Бу техник портлашга ўхшамайди. Улар мендан ҳам яхшироқ билишади. Уларнинг фикрига кўра, бу ҳужум эди”, – деди жаноб Трамп.

Исроил расмийлари ушбу портлашга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдирди. Кейинроқ, Исроил Ливанга инсонпарварлик юборишга ваъда берди ва ўз касалхоналарида ливанлик жароҳатланганларни даволашни таклиф қилди.

Россия президенти Владимир Путин ливанлик ҳамкасбига ҳамдарлик билдирди. Россия ФВВнинг инсонпарварлик ёрдами юкланган кемаси Байрут портига келиб тўхтади.

Фалокат оқибатларини бартараф этиш учун ҳукумат 50 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратмоқчи. “Биз йирик фалокатга гувоҳ бўлиб турибмиз, – деди Ливандаги Қизил Хоч вакили Жорж Кеттани маҳаллий матбуотга гапириб. – Ҳамма ёқда курбонлар ва жабрланганлар”.

Ҳозиргача 100 нафардан кўпроқ инсоннинг ҳалок бўлгани аниқланган. Қутқарув гуруҳлари вайроналар остидан тирик қолганлар ва жасадларни излашмоқда.

Ливан раҳбарияти бундай улкан портлашга нима сабаб бўлганини ўрганиш учун текширув бошланганини, жавобгарлар жуда қаттиқ жазо олишини маълум қилди. Байрут портининг маъмуриятига содир бўлган портлаш учун жавобгар шахсларнинг жавобгарлиги аниқланмагунча уй қамоғида қолиш буюрилди. Бу ҳақда Ливаннинг LBC International телеканали хабар берди.

Ушбу портлаш коронавирус инқирози туфайли Ливан иқтисодий қийинчиликка юз тутиб турган пайтда содир бўлди. Айни пайтда сиёсий вазият ҳам анча таранг: шу жума куни собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририйнинг 2005 йили ўлдирилишига оид маҳкама ҳукми ҳам кутилмоқда.

Портлаш сешанба куни маҳаллий вақт билан кечки соат 18.00 атрофида содир бўлган. Зарар шунчалик каттаки, у Байрут порти фаолиятини бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. Портлаш кучини воқеа жойидан 240 километр узоқда – Кипр оролида ҳам одамлар ҳис қилишган. Кипрликлар зилзила бўлди, деб ўйлашган.

Портлаш оқибатида Ливан президенти Мишел Аун қароргоҳи – Баабда саройига жиддий зиён етди. Шунингдек, портлашдан мамлакат бош вазири Ҳасан Диабнинг штаб-квартираси – Катта сарой ҳам зарар кўрган.

## ОДДИЙ ИПАК ҚУРТИ COVID-19га ҚАРШИ

Япониялик олимлар ипак қурти личинкасидаги оқсилдан COVID-19га қарши вакцина ишлаб чиқариш устида бош қотиришмоқда.

Кюсю университети профессори Такахиро Кусакабэнинг изоҳлашича, коронавирусидаги юзасида S деб номланувчи протеин бўлиб, у учтадан гуруҳларга ажралади ва ўша маълуму машҳур бўлган “ниш”ни ҳосил қилади: у ёрдамда касалликни юқтиради. “Ипак қурти ёрдамида биз сўнайди чандиқли протеинни ҳосил қиламиз. У янги типдаги коронавирус оқсилга ниҳоятда ўхшайди, фақат ичида вирус бўлмайди, шу боис у безарар”, – дейди Такахиро Кусакабэ.

Ипак қурти танасига бакуловирус юборилади. У ҳашаротни зар-

арлайди, одам учун эса мутлақо хавфсиз. Бир неча кундан сўнг қуртнинг танасида COVID-19 чандиқли S-протеинга ниҳоятда ўхшайдиган оқсил “ўсиб чиқади”. “Ҳозир икки турдаги вакцина устида иш олиб борапмиз – инъекция шаклида ва оғиз орқали қабул қилинадиган. Инъекция кўринишидаги вакцинани тайёрлаш учун уни тозалаш ва хавфсизлигини текшириш талаб этилади. Нима бўлганда ҳам, у ҳам ҳозир ишлатилаётган вакциналар каби хавфсиз бўлади, деб ўйлайман. Оғиз орқали қабул қилинадиган вакцинага келсак, Осиё мамлакатларида азалдан ипак қуртини таомда фойдаланишди. Шундай экан, бу борада ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак”, – дея таъкидлайди профессор.



Мутахассисларнинг фикрича, мазкур усул кўп миқдорда вакцина ишлаб чиқариш имконини беради. Энг аҳамиятли жиҳати, у гриппга қарши препаратлардан қиммат бўлмайди. 2021 йил март ойигача жониворларда синаб кўриш режалаштирилмоқда.

## ФУТБОЛЧИ ХОНИМ ЭРКАКЛАР ЖАМОАСИДА

Эллен Фоккема исмли футболчи аёл Нидерландиянинг тўртинчи дивизионидаги “Фоарут” эркаклар жамоаси ўинчисига айланди. Бу ҳақда Қироллик футбол иттифоқи (KNVB) сайтида хабар берилган.

Ташкилот матбуот хизматидаги маълум қилишича, 19 ёшли спортчининг “Фоарут” билан шартномаси тажриба сифатида имзоланди. Таъкидлашчиси, бу қарор футболда тенг ҳуқуқлилиқнинг ривожланишига ёрдам беради.

Беш йилдан бери жамоа билан бирга шуғулланаётган Фоккема футбол иттифонининг қароридан мамнун эканлигини билдирди. “Жамоадошларим улар билан ўйнашда давом этишим мумкинлигини зўр иштиёқ билан қабул қилишди”, – дея таъкидлади у.

Ҳозирги кунда Нидерландияда эркаклар ва аёллар 19 ёшгача битта жамоада футбол ўйнаши мумкин. Шундан сўнг эркаклар А тоифада ўйнаш учун эркаклар клубига ўтишади, аёллар эса Б тоифадаги лигада тўп тепишлари мумкин.



## ТУРК ҲАРБИЙЛАРИ ЭНДИ УММОНДА

Туркия ва Уммон ўртасида музокара ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад султонликда турк ҳарбий базасини очишдир, дейилади Muslîmpolitic хабарига.



Музокара жараёни экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Уларнинг таъкидлашича, бу Анқаранинг геосиёсий мавқеи ошишига хизмат қилади. Ўз навбатида, Туркия ОАВлари Туркия-Уммон музокараси ҳақида ёзар экан, буни “буёқ қадам” дея баҳолашмоқда.

Yeni Safak нашри бош муҳаррири Қорагул шундай ёзмақда: “Сомали Қизил денгизда, Уммон эса Кўрфазда. Биз Ҳинд океани остонасидамиз. Биз Қатардан кейин Уммонда турибмиз”.

Бир қатор турк экспертлари музокаралар айнан ҳарбий база ташкил этиш билан тугашига шубҳа қилишмоқда. Ўз навбатида, улар ҳарбий келишув имзолинишини инкор этмаяптилар.

Таъкидлаш ўринли, келишув имзоланган тақдирда Туркия ўзининг Форс кўрфазидagi геосиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олади. Айни пайтда уларнинг Каттарда ҳарбий базаси мавжуд.

Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Сомерсет МОЕМ  
(1874–1965, Франция)

“

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин бошқалар даҳшатдан бақариб юборишди: аскарлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олишди. Қизни эса ерга ётқи-зишди, бироқ энди қонни тўхтатишнинг иложи йўқлигини билишарди.

”

Дастлаб юзидаги чандиғи туфайли у менинг эътиборимни тортганди. Чандиқ энли ва қизғиш бўлиб, унинг иягигача тушганди. Бу чандиқ хунук жароҳатдан далолат берар ва мен уни қилич ёки снаряд парчасининг иши бўлса керак, деб ўйлагандим. Бу ерларда унинг тўладан келган, кулимсираб турадиган юзи кўзга галати кўринарди. Унинг юз бичими қорувли гавдасига номутаносиб эди. Келбатидан ўрта бўйли одамларга қараганда кучли кўринарди. Мен уни доимо кўп кийилган кўлранг костюмда, мошранг кўйлак ва соябони катта эски шляпада кўрардим.

Афт-ангори хийла кир эди. Ҳар куни одам гавжум пайтида у Гватемала Ситидаги Палас Отелга келар ва лотерея чипталарини сотишга уринарди. Мен ҳеч қачон бу чипталарни сотиб олганини кўрмаганман, аммо гоҳи-гоҳида унга ичиш учун бирор нарса таклиф қилишгаётганига кўзим тушарди. У столлар орасидан юрар, бироз кулимсираган қиёфада ҳар бир стол олдида тўхтаб, лотерея чипталарини таклиф қилар ва ўзига эътибор беришмаган пайтларда худди шундай табасум билан нари кетарди. Назаримда, у кўпинча ширакайф юрарди.

Бир куни кечкурун танишим билан қовоқхонада ўтирганимизда ўша чандиқли киши бизнинг олдимизга келди. Адашмасам, бу ерга келган пайтларимдан бери йигирманчи мартадир, у менга лотереяларини чўзди. “Йўқ” деган маънода бошимни чайқадим. Лекин ҳамроҳим илтифот билан унга салом берди.

– Ишлар қалай, генерал?  
– Унча ёмон эмас. Бизнес юришмаяпти, лекин бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди.

– Нима ичишни хоҳлайсиз, генерал?  
– Бренди.

У брендини ичди ва қадаҳни қайтиб пештахтага қўйди. Ҳамроҳимга қараб бош ирғади.

– Раҳмат.

Шундай деб у ортига бурилди ва биздан нарироқда турган одамларга лотереяларини таклиф қила бошлади.

– Дўстинг ким? – сўрадим мен.

– Юзидаги чандиғи жуда ваҳимали-ку.

– Ҳа, чандиқ унинг ҳуснига ҳусн кўшмаган, тўғрими?..

У никарагуалик қувғинди. Йўлтўсар ва босқинчи бўлгани билан барибир ошна сифатида ёмонмас. Гоҳи-гоҳида мен унга озроқ чақа бераман. У исёнда кўзга катнашган, кўзголлончилар қўшинида генерал эди. Агар ўқи тугаб қолмаганида, ҳукуматни ағдарарди ва ҳозир у Гватемалада лотерея сотиб юриш ўрнига ҳарбий министр бўларди. Уни штаби билан бирга қўлга олишиб, ҳарбий судда суд қилишди. Ўзинг билсан, бу давлатларда бунақа ишларни ҳаш-паш дегунча тинчитишади. У тонгда отувга ҳукм қилинди. Назаримда, қўлга олингандаёқ у ўзини нима кутаётганини билган. Ҳукм ижро этиладиган пайтгача у вақтни турмада ўтказди. Қамоқхонада улар жами беш киши эди, ҳаммалари вақтни покер ўйнаб ўтказишди. Ютуқни ҳисоблашда улар гугурт чўпларидан



## ЧАНДИҚЛИ КИШИ

(Ҳикоя)

фойдаланишди. Айтишча, ҳаётда ҳеч қачон бунчалик омадсизликка учрамаган: у кетма-кет, бутун ўйин давомида ютқазди. Тонг отиб, аскарлар қамоқхонадан уларни қатл қилиш учун олиб чиқишга келишганларида, у бир одам ҳаётида ишлатиши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ гугурт чўпини бой берганди.

Улар қамоқхона ҳовлисига олиб чиқилди ва бешови ҳам ёнма-ён, деворга тираб турғазилди, қуролланган гурӯҳ уларга юзма-юз турарди.

Орада озроқ танаффус бўлди ва ошнаимиз гурӯҳни бошқараётган офицердан нима учун уни кутишга мажбур қилишгаётганини сўради. Офицер қўшин кўмондони – генерал қатлда иштирок этишга хоҳиш билдирганини ва унинг етиб келишини кутишгаётганини айтди.

– Демак, битта сигарет чекиб олиш вақтим бор экан, деди бизнинг ошнаимиз.

Бироқ у эндигина сигаретини ёндирганида генерал ҳовлига кириб келди. Одатдаги расмиятчиликлар бажарилди ва генерал маҳкумлардан: “Қатл ижро этилишидан аввал қандай тилакларинг бор?”, деб сўради. Беш кишидан тўрттаси “йўқ” дегандек бошларини чайқашди. Лекин бизнинг ошнаимиз:

– Ҳа, мен хотиним билан видолашсам дегандим, – деди.

– Яхши, – деди генерал. – Бунга эътирозим йўқ, У қаерда?

– Қамоқхона эшиги олдида кутиб турибди.

– Беш дақиқадан кўп вақт бермайман.

– Бу вақт етиб ортади, жаноб генерал.

– Уни четта олиб чиқинглар.

Иккита аскар олдинга чиқди ва мавҳум исёнчи уларнинг ўртасида, кўрсатилган жойга юриб борди. Генерал бош ирғаб розилик берганидан сўнг, қуролланган гурӯҳни бошқарувчи зобит отишга буйруқ берди ва тўрт киши йиқилди. Улар галати тарзда, биринкетин, бесўнақай ҳаракатлар билан йиқилишди. Худди жонсиз кўғирчоқдай. Офицер уларга яқинлашди ва битта чалажон маҳкумининг устига келиб, револверини бўшатди. Бу пайт ошнаимиз

сигаретини чекиб бўлди.

Дераза қия очилди. Аёл ҳовлига тез-тез юриб кирди, кейин кўққисдан қўли кўксига, тўхтади. У йиғлаб юборди ва узатилган қўллари билан олдинга югурди.

– Жин урсин, – деди генерал.

Аёл қора кийимда, сочларида тўр, юзи эса мурданикидек оппоқ оқариб кетган. У буй етган қиздан бироз каттароқ кўринар, кичкина чиройли юзли ва катта кўзли хурлиқо эди. Югурганида оғзининг хиёл очилгани ва чиройли юзидаги изтироб унга шундай назокат бағишладики, ҳатто қараб турган беэътибор аскарлар ҳам ҳайратдан “эх” деб юборишди.

Исёнчи уни қарши олиш учун бир-икки қадам олдинга юрди. Аёл ўзини унинг қўлларига отди ва “жоним” деган эҳтиросли ҳайқириқ билан исёнчи лабларини унинг лабларига босди. Шу пайт у йиртиқ кўйлаги ичидан пичоқ суғуриб олди – ҳайронман, қандай қилиб у пичоқни яшириб юришни уйдалаган экан – ва аёлнинг буйнига пичоқ урди. Кесилган шоҳтомирдан тирқираб қон отилди ва исёнчининг кўйлагини бўяди. Кейин у қўллари билан аёлни маҳкам ушлаб, лабларини унинг лабларига босди.

Бу шунчалик тез рўй бердики, кўпчилик нима бўлганини англамай ҳам қолди, лекин бошқалар даҳшатдан бақариб юборишди: аскарлар олдинга сакрашиб, уни ушлаб олишди. Қизни эса ерга ётқи-зишди, бироқ энди қонни тўхтатишнинг иложи йўқлигини билишарди. Бироздан кейин қизнинг олдида тиз чўкиб турган офицер ўрнидан турди.

– Қиз ўлди, – пичирлади у.

Кўзголлончи чўқиниб олди.

– Нима учун бундай қилдинг? – сўради генерал.

– Мен уни севардим.

Тўпланиб турган одамлар “оҳ” тортиб юборишди ва таажуб билан қотилга қарашди. Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради.

– Бу мардлик, – деди генерал ниҳоят, – мен бу одамни қатл этолмайман...

– Машинамни олиб уни чегарага элиб қўйинглар. Мен сени ҳурмат қиламан, сенор. Чунки бир жасур эркак бошқа жасур эркакни ҳурмат қилиши керак.

Исёнчи бир сўз демай, икки аскар ўртасида, кутиб турган машинага қараб юрди.

Дўстим гапиршдан тўхтади ва мен жимиб қолдим. Айтишим керакки, у гватемалалик эди ва менга испан тилида гапирди. Мен ҳам унинг айтганларини кўлимдан келганча сизга ҳикоя қилдим, бироқ унинг анча бўрттирилган нутқини ўзгартиришга уринганим йўқ. Ростини айтганда, менинча, бу ҳикояга ярашади.

– У чандиқни қандай қилиб орттирган? – сўрадим мен ниҳоят.

– Ў-ў, бунга шиша бутилка сабаб бўлган. У очаётган пайтда идиш ёрилиб кетган. Занжалиб виносининг идиши.

– Бу нарсени умуман ёқтирмайман, – дедим мен.

Алишер ОТАБОЕВ таржимаси

Қорақалпоғистоннинг Бегуний туманида туғилиб вояга етган ҳамюртимиз Давлатбой Ашуров 30 йилдан ортиқ алоқа хизматида фаолият юритиб келмоқда. Давлатбой танлаган соҳаси бўйича барча синовларга бардош берди, ўз устида ишлади, ўрганишдан чарчамади.

## ҲАРАКАТ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Бегуний туман телекоммуникациялар боғламасида карантин бўлишига қарамай иш бир лаҳза бўлсада тўхтаб қолгани йўқ. Ходимлар учун дезинфекция қилинган транспорт воситаси, тиббий ниқоблар, антисептик воситалар, хуллас гигиеник талабларга жавоб берадиган иш шароитлари яратилишида Давлатбой Ашуровнинг ўзи бош-қош.

Давлатбой мактабни битирадиган йиллар касб танлаш борасида тоғаси Эгам акадан маслаҳат сўраганида "келгусида алоқа, телекоммуникация соҳаси ривожланади, энг керакли касбга айланади", деган жавобни олади. Ва алоқа соҳасида ишлашни олдига мақсад қилиб қўяди. Қарақолпоқ алоқа техникумида бухгалтерликда ўқиб, дастлаб тоғасининг етовиди оператор, кейинчалик ҳисобчилик сирларини кунт билан ўрганиб олади.

Бугунга келиб ушбу соҳада ишлаётган ҳар бир ходимнинг меҳнат машаққатини яхши ҳис қилади, шу боис уларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини эсдан чиқармайди. Том маънода корхона ва боғлама жамоаси манфаатлари учун жон куйдириб, жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Дебиторлик, кридеторлик қарздорлигини мунтазам равишда камайтириб боришга эришмоқда. Қаҳрамонимиз ҳисобчилик соҳасида бугунги ишни эртага қолдирмаслик лозимлигини жуда яхши билади. Чунки рақамлар бир жойда тўхтаб турганини ёқтирмайди. Ҳаёт ҳаракатсизликни ёқтирмаганидек. Ҳисобчининг ҳар куни қиладиган вазифаси ишни кассадаги ҳаракатдан, банк кириш-чиқим ҳужжатлари таҳлилидан бошланади. Касса ва банк ҳужжатлардаги кириш-чиқим рақамлари баланс берсагина кейинги ишга ўтилади.

— Замонавий технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига таъсир ўтказмоқда, яъни у тараққиётнинг муҳим шартларидан бирига айланди, — дейди Давлатбой Ашуров. — Дунё миқёсида барча соҳалар каби бухгалтерия соҳаси ҳам бугунги кунда рақамли технологиялар ва электрон ҳужжатлардан фойдаланмоқда. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада одамларга катта қулайликлар яратмоқда, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириб, ортиқча ҳаражатларни камайтирмоқда. Ушбу соҳанинг ривожланиши, кўплаб вазифаларнинг автоматлаштирилиши мутахассисларнинг тиминис ўз устида изланишга ундайди. Бунда албатта ёшларнинг кўмаги бекиёс...

Дарвоқе Давлатбой шогирдлари Илҳом, Азамат каби йигитларга алоқа соҳасининг сир-синаотларини ўргатиш билан бирга, уларнинг ҳам кўмағига, креатив ёндашувиغا сўянади.

Давлатбой Ашуров ўзининг ташкилотчилиги ва туман ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этаётгани учун "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу куни Давлатбойнинг хонадонига қўтлаш учун ёшликда бирга ўсган дўстлари, касбдошлари, устоз ва шогирдлари йиғилдилар, қувончига шерик бўлдилар.

Ҳа, фидокорона қилинган меҳнатнинг роҳати ҳали яна бир неча йилларга татийди, ҳар бир янги кун учун янги куч ва ғайрат беради.

**Давлатбой ЖУМАОБОВ,**  
фахрий алоқачи

# НУРОНИЙЛИК ГАШТИ НИМАДА?

Бу воқеага ўн йил бўлди. Таҳририят топшириғига кўра, ахборот технологиялари ривож мавзусида мақола ёзишим керак эди. Алоқачилар сулоласини топиб ёзишга қарор қилдим. Почта раҳбарияти Шербоевлар сулоласини тавсия этди. Мақола кўнглимдагидек чиққанидан мамнун бўлганим рост. Соҳа тамаддуни ҳақида ўйласам Шербоевларнинг кундалик ҳаётида рўй берган кичик лавҳалар ҳаёлимдан ўтаверди.

...Кўпинча Тўхлибой бобо йиғирмадан зиёд неваралар кўришганида қолади. Фахрийлик гашти ҳам аслида шу неварачевалар бўй етиб, ақллари тўлишиб бораётганини кўришда бўлса керак. Улар бир-биридан ақлли, бир-биридан зукко. Болажонларнинг даврасида ўзини ўн ёшга яшаргандек, бақувват тортгандек ҳис этади. Алоқа соҳаси янгиликлари борасидаги ўзаро баҳслари чандон завқини келтиради. Бир вақтлар илк марта жуда галати коммутаторни ва кулоқчин таққан телефончи қизларни кўрганда хайратдан оғзи очилгани кечгагидай ёдида. Ҳозирги замон болаларини эски кашфиётлар билан ҳайрон қолдиролмайсиз. Агар кулоқчин таққан қизлардан, сир-синаотларга тўла коммутаторлардан сўз очсангиз кулги бўлишингиз ҳеч гапмас. Очиғини айтганда, бобони ҳатто Данғара почта алоқаси тармоғида (ҳозир боғлама) бешта, алоқа бўлимларида учта компьютерда ишлашаётгани, тўловлар терминалларда қабул қилинаётгани ҳам беҳад хайратга солади. Ҳаммаси ажойиб, ҳаммаси ғаройиб. Қарангки, яшаврсангиз кўраверар экансиз. Базан бу зийрак болалар айтадиган янгиликлар энсасини қотиради ёки бўлмаса ўзини энсаси қотгандек кўрсатади.

— Бобожон, биласизми, — дейди коллежда ўқийдиган Тиллаовди. — Бир қарсак чалсангиз чироқ ёнади, бир қарсак чалсангиз, ўчади. Ёки бўлмасам эшикдан киришингиз билан чироқ ёнади, чиқиб кетишингиз билан ўчади. Қалай, зўрми?

— Бе, шунинг нимаси зўр! Йўқдан бор қилиб ёруғлик чиқариб берса, бошқа гап эди!

Неваралар кула-кула қотадилар. Қайси бири хитоб қилади: — Шамолдан ёруғлик чиқарадилар-

— ОДАМ БОЛАСИНИ ТЕМИРМАС, ОДАМ ПАРВАРИШ ҚИЛИШИ ЖОИЗ. БУНИ ЯХШИЛАБ КУЛОҚЛАРИНГА ҚУЙИБ ОЛИНГЛАР. МЕХР КАСОД БЎЛГАЧ, БУ ДУНЁНИ УШЛАБ ТУРАДИГАН НИМА ҚОЛАДИ? УША УЛУҒ АЛЛОМАЛАРИНГ УНДАН ЯХШИСИ, ОДАМЛАР НОГИРОН БЎЛМАСЛИГИНИНГ, ҚАРТАЙИБ ЁЛҒИЗ ЎЛИБ КЕТМАСЛИГИНИ ЧОРАЛАРИНИ ТОПИШСИН.

ку, бобо, эшитмаганмисиз?

— Наҳотки, — бобо астойдил ҳайрон бўлади. — Бизи қишлоққа ҳам келармикана-а?

Неваралар келишиб олгандек баравар елка қисшади.

— Қайдам.

— Бозор ёки супермаркетларда юрар экансиз, смартфонингиз бўлса, керакли тугмачани босасиз-да уйдаги совутгичингизда нима бор, нима йўқлигини билиб шунга қараб савдо қилаверасиз! Айтингчи, бу янгилик-чи, сизга маъқулми, бобожон?

— Ёпирай, одам деган ҳам холодилнигида нима бору нима йўқлигини билмайдими? Тавба! Яна болажонлари қиқир-қиқир куладилар. Шумтакаларей бири қўйиб, бири гап бошлайди.

— Роботлар ҳақида-чи. Эшитганмисиз, бобо? Уларни тозалайдиган роботлар, масофадан туриб бошқариладиган чангютгичлар ҳақидачи?

— Эшитишни ҳам истамайман. Ясама одам одамми? Кўнглидагидек иш қилармиди. Вой, дангасаларе нималарни уйлаб топшмайди-я!

Бу сафар невараларнинг қулгилари қистамади.

— Йўқ, бобожон, улар керак. Айниқса, ногиронларга ва кексайиб қолган бечораларга ниҳоятда зарур.

Бу гал Тўхлибой бобо ичида невараларининг ақлига тасанно айтса-да, ташида астойдил койган бўлди:

— Одам боласини темирмас, одам парвариш қилиши жоиз. Бунини яхшилаб кулоқларингга қуйиб олинглар. Меҳр касод бўлгач, бу дунёни ушлаб турадиган нима қолади? Уша улуғ алломаларинг ундан яхшиси, одамлар ногирон бўлмаслигининг, қартайиб ёлғиз ўлиб кетмаслигини чораларини топишсин. Сизларнинг робот-поботларингдан ўргилдим. Боринглар, очик ҳавода копток тепинглар, уйда ўтиравериб бошни қотириб ташладиларинг! Қани марш!

Бу гап хориждаги тоғаси билан Whats App орқали мулоқотга киришган Тиллаовдига ёқмаса-да, "Хайрулло тоғам сизга айтяпти", деди ва ёшида давом этганча ташқарига йўналди.

Бобо бўлса, невараларининг ордидан жилмайганча ғурурларни қоларкан ҳаёлидан ўтказди: йиллар ўтар ва сизларнинг бошингизни ҳам эвараларим мана шундай қотирсинлар. Ҳа, ҳали қараб туринглар!

Ушандан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Айни кунларда бобожонлару моможонларни интернет мўжизалари билан ҳайратларда қолдиролмайсиз. Аксарияти компьютерлару энг сўнги смартфонлардан бинойидай фойдаланишмоқда. Зеро, давр талаби ҳам шу. Неваралару эваралардан уялиб қолиш ярамайди.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**  
"Xabar"нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисобини юритиш бўлими бошлиғи ўринбосари Севарахон Абидовага онаси

**Умида МУҲАМЕДОВАНИНГ**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси бино ва автотранспортларни эксплуатация қилиш хизмати бош мутахассиси Пўлатхўжа Аҳоровга отаси

**Риҳсиҳўжа АҲОРОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## Window Swap

### Турли деразалар орқали дунё бўйлаб сайр қилинг

Коронавирус пандемияси туфайли кўпчилик масофадан ишлаётгани сабабли, видеоконференциялар сервислари ривожланмоқда. Шунингдек, турли ўйинлар ва айрим иловалар ҳам оммалашиб кетган. Улардан ташқари, виртуал саёҳат қилиш имконини берувчи сервислардан ҳам кўп фойдаланишмоқда. Бугун эса сизларга Window Swap номли қизиқарли веб-сервис ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Бу – карантин пайтида икки дастурчи – Сонали Ранжит (Sonali Ranjit) ҳамда Вайшнава Баласубраманиам (Vaishnav Balasubramaniam) лойиҳалари бўлиб, Window Swap сервиси фойдаланувчиларга дунёнинг турли бурчакларидаги деразалардан “қараш” (ичкарига эмас, албатта) имконини тақдим этади. Масалан, сиз ўз уйингизда, компьютер олдида ё қўлда смартфон билан ўтириб олиб, бирор америкаликнинг деразаси орқали Нью-Йорк кўчаларидаги ёмғирдан баҳраманд бўлишингиз, ёхуд Швейцариянинг мафтункор манзараларини кимнингдир деразаси ёнида тургандек томоша қилишингиз мумкин. Бунинг учун window-swap.com сайтыга кириб, экран марказидаги ёзувни босиш kifоя.

Сервисда дераза манзаралари тасодифий тартибда кўрсатилади; видеоларнинг овозлари ҳам бор. Экраннинг юқори чап бурчагида бу кимнинг деразасидан кўринаётгани, ўнг бурчагида эса унинг қарера жойлашгани акс этади.

Сизнинг деразангиздан ҳам чиройли манзаралар кўринадиган бўлса, уни Window Swap орқали улашнинг имкони бор! Бунинг учун HD-сифатда 10 дақиқалик горизонтал видео суратга оласиз ва локацияни кўрсатган ҳолда qunali@a@gmail.com электрон манзилига йўллайсиз. Асосий шарт – видеода дераза ромлари кўриниб туриши лозим.

# КОРОНАВИРУС

## КўРҚУВДАН ФОЙДАЛАНАДИ

### Уни қандай енгил мумкин?

Сўнги пайтларда одамларда тоғли вирусни юқтириб олиш билан боғлиқ хавотир ва кўрқувлар кучайган. Инсон психологияси кўпчилик тушунарси ва салбий ҳолатларга хавотир ва кўрқув билан жавоб беради. Бу нормал ҳолат. Лекин, керагидан ортиқ хавотир инсон кучини олиб қўяди, тўғри фикрлашга ҳалақит беради, вазиятни баҳолаш ва унга ечим топишни қийинлаштиради. Кучли хавотир одамни депрессияга туширади, инсон хотиржамлигини йўқотади ва ўзини енгилгандек ҳис қилади.

Организм хавотирдан кучсизланади ва ҳар қандай касаллик билан курашиш қобилиятини йўқотади. Бунга асло йўл қўймадик керак!

Бундай ҳолатдан қутулишнинг йўллари бор ва ундан албатта фойдаланиш керак. Демак, кўйидаги тавсияларга амал қилинг:

- Covid-19 касаллиги ҳақида кўп ўйланг.
- Касалланишлар ва ўлимлар сонини кузатманг. Бу ҳақдаги ахборотларни ўқиманг ва томоша қилманг.
- Бу касаллик ҳақида иложи борица суҳбатлашманг.
- Муסיқа эшитинг.
- Кайфиятни кўтарувчи ҳикоялар ўқинг.
- Дўстларингиз билан чалгитувчи мавзуларда гаплашинг.
- Жисмоний машқлар бажаринг.
- Сизни авваллари қандай амалиёт тинчлантирар эди? Шунини бажаринг.

Шунда ўзингизни ортиқча руҳий зўриқтирдан асраган бўласиз. Агар булар ёрдам бермаса психолог ёрдамидан фойдаланинг.

Агар сизда касалланиш бошланган бўлса ва касалланиш давомида (Covid-19 касаллигининг руҳиятга қаттиқ таъсир қилиши кўп кузатиляпти) кўрқув кучайса, шифокордан биронта тинчлантирувчи (транквилизатор) дори тавсия қилишини сўраг.

Ҳеч қандай касаллик сизни енгга олмаслиги ҳақида ўйланг. Ҳар бир хавотирингиз организмни кучсизлантириши, аксинча, ўзингизга бўлган



ишонч сизга қувват бағишлашига ишонинг! Вирус кучли организмдан кўрқиши, қувватли организмни енгга олмаслигини унутманг!

Шунингдек, ётган ҳолатда бажариш мумкин бўлган яна бир тинчлантирувчи машқ бор. Уни ҳам сизга тавсия қиламан:

1. Пешона мушакларини 10 сония давомида қаттиқ тириштиринг ва яна 10 сонияга бўшаштиринг. Яна такрорланг ва тезлаштириб боринг, 10 сонияни 1 сонияга туширунча.

2. Худди шундай қовоқларингизни 10 сония қаттиқ юмиб, кейин 10 сонияга очасиз ва секундани тезлаштириб 1 сонияга туширасиз.

3. Худди шу техникани бурун мушакларини қўллайсиз. Бужмайтирасиз ва бўшаштирасиз.

4. Худди шундай, лабларини бир нуқтага жамлайсиз ва бўшаштирасиз.

5. Ўнг елкани ўриндиғингизга қаттиқ тирайсиз (ботирасиз) ва кўйворасиз.

6. Чап елкангизда ҳам худди шу амални бажарасиз. Коронавирусни беозор бир жонзодча сифатида тасаввур қилиш ҳам фойда беради.

Ва албатта карантин қоидаларига риоя қилинг!

Нодира МУСАЕВА,  
шифокор

## 53 ЁШДА ҲАМ ЙИГИТДЕК

Нидерландия фуқароси ўзининг ҳақиқий ёшидан 20 йилга кичикроқ кўриниши сирини сўзлаб берди, деб ёзади Unilad нашри.

Эдсон Брандао пластик жарроҳликдан умуман фойдаланмаган. Ўзининг “абдий ёшлик” сирини тўғри оқватланиш, терини парваришlash ва ижобий фикрлаш билан изохлади. “Эллик учга тўлганимни билганлар ҳайрон қолишади, – деди у. – Уларнинг бари мени 25 ёшда деб ўйлашади”.

Эдсон ҳар куни машгулот залига қатнайди, қанд, консерваланган ва қовурилган таомларни истеъмол қилмайди, чекмайди, гиёҳванд моддалардан умуман йироқ. “Ҳозир ўзимни 30 ёшда бўлган пайтларимдан ёмон ҳис қилмайман, – дея таъкидлайди у. – Мен аввалгидек куч-қувватга тўламан. Тўғриси айтганда, ўзимни ҳеч қачон бунчалик яхши ҳис қилмаганман”.



# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОМУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдуған АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгарларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикрларидан фарқланishi мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,  
Амр Темур 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мулк: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.  
Набатчи: Солижон ЗОЙИРОВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмохонасида чоп этилди.  
Мавзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-857 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.  
Адади: 3958 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 (99)854-7305 Бухорода (94) 199-95-64 Жиззахда (91) 353-71-25 Наманганда 225-91-10 Навоийда 554-35-45 Нукусда (91)557-84-44 Самарқандда (91)235-88-68 Термизда 234-18-59 Тошкентда (97) 211-65-05 Урганча 244-18-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99